

ЎЗБЕКИСТОН                      РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

“ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ”

“Иқтисодиёт” кафедраси мудири

\_\_\_\_\_ доц. А.И.Рахматуллаев

“\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2013 йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Иқтисодиёт” факультет декани

\_\_\_\_\_ и.ф.д. А.Ф.Хуррамов

“\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2013 йил

5340100 – “Иқтисодиёт” таълим йўналиши кундузги бўлим IV курс

И-43 гуруҳ талабаси Ҳақбердиев Юлдошнинг

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ ИҚТИСОДИЙ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙУЛЛАРИ**

мавзусидаги

# **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**БАЖАРДИ:**

“Иқтисодиёт” таълим йўналиши  
битирувчиси IV курс И-43 гуруҳ  
талабаси \_\_\_\_\_ Ҳақбердиев Й.

**ИЛМИЙ РАҲБАР:**

“Иқтисодиёт” кафедраси  
катта ўқит. \_\_\_\_\_ и.ф.н. А.Б.Қурбонов

**Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки химоядан ўтди**

\_\_\_\_\_ сонли баённома “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2013 й.

**ҚАРШИ – 2013 йил**

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш асосида деҳқон меҳнатининг нуфузини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни қондириш, мамлакатимиз қишлоқ жойларида аҳоли учун қулай иш ва турмуш шарт-шароитларини яратиш муаммоларини ҳал этиш бугунги куннинг энг муҳим илмий масалаларидан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар чуқурлашуви шароитида қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш устувор вазифалардан бири сифатида қабул қилинган. Ушбу вазифани амалга ошириш учун энг аввало қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга талаб даражасида хизмат кўрсатиш ва уларнинг эҳтиёжлари тўлиқ қондирилиши учун илмий асосланган инфратузилмани яратиш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: "...2012-йилда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам юқори суръатлар билан ривожланди. Аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми қарийб 15 фоизга о'сди, ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши еса бугунги кунда 52 фоиздан зиёдни ташкил етмоқда.

Бу жараёнда хизматларнинг юқори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос бўлган турлари жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 24,5 фоизга, компютер дастурлаш хизматлари 18 фоизга, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш 17 фоизга, молия-банк хизматлари 17,6 фоизга о'сди."<sup>1</sup>.

Шу мақсадда 2009 йилда мамлакатни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан бири сифатида қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқ қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узок муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чоратадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорларнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми ва ўрнини қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир<sup>2</sup>.

Ушбу устувор вазифани амалга ошириш чора – тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2009 йилни “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги” Давлат дастурида ўз аксини тўлиқ топган.

<sup>1</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси 18.01.2013

<sup>2</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 48-49 б.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида фермер хўжаликларини ривожлантиришда моддий–техника таъминот тизими, илмий-техника тараққиёти ва интенсивлаштириш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ҳал қилувчи омилдир. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ишлаб чиқариш қуроллари такомиллашуви, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ва жонли меҳнат ҳиссасини камайтириш эвазига улардан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигига унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоқларининг ривожланиш ҳолати жиддий таъсир кўрсатади. Бироқ шаклланган, мавжуд ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектлари етарли даражада ривожланмаганлиги қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини самарали ташкил этиш йўналишларини белгилаш, оптимал жойлаштириш, устувор шакллантириш йўллари аниқлаш, қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектлари билан фермер хўжаликлари ўртасидаги иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси зарурлигини илмий-назарий асослаш ва қишлоқ хўжалигида инфратузилма соҳаларини жойлаштириш ва ривожлантириш қишлоқ хўжалигида инфратузилма соҳаларини ривожлантиришнинг айрим жиҳатлари иқтисодчи олимлардан А. Смит, А. Хиршман, А.Ю.Шарипов, А.Янгсон, В.А.Жамин, В.П.Красовский, В.Н.Коновалова, И.К.Беляевский, К.Р.Макконел, Л.М.Гатовский, П.Розенштейн – Родан, Р.Иохемсен, Р.Нурке, С.Л.Брю, Х.Зингер, Ю.А.Жаравиналар томонидан тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда ушбу муаммонинг умумий томонлари иқтисодчи олимларимиз А. М. Жўраев, А.Р.Ваҳобов, А.Ғ. Турсунов, Б.Б. Беркинов, Ж.Х. Рашидов, И.Э.Рафиқов, К.Э. Мадрахимов, Р.Ҳ.Хусанов, Р.Х.Эргашев, Ч.Муродов, Қ.А. Чориевнинг илмий ишларида ўрганилган.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини оптимал жойлаштириш ва ривожлантириш муаммоси яхлит тизимга келтирилган ҳолда, махсус илмий – тадқиқот объекти сифатида етарлича ўрганилмаган. Ушбу муаммо муҳим ижтимоий – иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, уни назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш тадқиқот мавзусини танлашга асос бўлди.

**БМИ мақсади:** Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини янада ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**БМИ вазифалари:**

– иқтисодий эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси хусусиятларини аниқлаш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари моддий–техника базасини мустаҳкамлаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– фермер хўжаликлари ихтисослашувини инобатга олинган ҳолда, инқирозга қарши чоралар дастури доирасида яқин истиқболда инфратузилма объектларини оптимал жойлаштириш ва янада ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш бўйича хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини Ўзбекистон шароитида ижодий қўллашга қаратилган илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар тайёрлаш.

**БМИ объекти ва предмети.** БМИ объекти Қашқадарё вилояти аграр соҳасида фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги инфратузилма тармоғи субъектлари ва фермер хўжаликлари, шунингдек, Косон тумани “Тожибой ота” фермер хўжалиги ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилма соҳаларини оптимал жойлаштириш ва ривожлантириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

**БМИнинг тузилиши ва ҳажми.** БМИнинг таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **I-боб.Қишлоқ хўжалигида инфратузилмани моҳияти ва аҳамияти.**

### **1.1. Қишлоқ хўжалигида инфратузилмани моҳияти.**

Республикамиз эркин бозор иктисодиётига боскичма-боскич утиши таъминланаётган йилларда мамлакат аҳолисининг уртача сони бир йилда 310-320 минг нафарга ёки 1,3% фоизга усмокда. Шу билан бирга саноат корхоналарини сони ва ишлаб чиқариш қувватлари ҳам йил сайин ошиб бормокда. Бу ҳолат республикада хом-ашё, озик-овкатлар маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ривожлантирилишини такозо этмокда. Бу муаммоларни ечиш учун энг аввало қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва у билан узвий боғлиқ булган хизмат курсатиш ҳамда қайта ишлаш тармоқларининг мутаносиб равишда ривожланишини таъминлашга эришиш, сунгра тайёр озик-овкат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва уларни истеъмолчиларга етказувчи тармоқларнинг ташкилий, техникавий, технологик, иктисодий ва ижтимоий боғланишини таъминлаш лозим.

Курииб турибдики, қишлоқ хўжалигини барқарор равишда ривожлантириш, самарадорлигини юксалтиришучун уни янги қишлоқ хўжалик машиналари, техникалари, транспорт ва кимёвий воситалар, минерал угитлар, ёкилги мойлаш материаллари қурилиш материаллари, озука моддалари билан тулик ва мутаносиб равишда таъминлаб, мустаҳкам моддий-техника базасини барпо этиш керак. Демак, қишлоқ хўжалигининг келажакдаги ривожини даставвал унинг учун зарур булган ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари фаолиятига бевосита, шунингдек аграр соҳанинг равнаки унга хизмат курсатувчи, яъни қишлоқ хўжалиги корхоналарини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи, тармоқдаги машина-трактор ва бошқа техникаларни таъмирловчи, хўжалик объектларини қурувчи, ирригация-мелиорация ва кимё, транспорт хизматларини бажарувчи тармоқлар фаолиятига ҳам боғлиқдир.

Юқоридагилардан маълум булишича, Республика фуқароларининг тайёр озик-овкат ва ноозик-овкат маҳсулотларига булган талабининг тулик кондирилиши бу муаммо халқ этилишини таъминлашда катнашувчи барча тармоқларга турли хилдаги ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, унга хизмат курсатувчи, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот даражасига етказувчи ва уларни истеъмолчига етказиб берувчи барча тармоқларнинг техникавий, технологик, иктисодий ҳамда ижтимоий боғланишини объектив ҳолда такозо этади. Шунинг учун улар мақсадга мувофиқ равишда жойлаштирилиб, ихтисослаштирилиб, халқ хўжалиги микёсида

мехнат таксимоги амалга оширилишини таъминлаши зарур.

Республика агросаноат мажмуасида мақсадга эришиш куйидаги асосий вазифаларни ечилишини тақозо этади:

- агросаноат мажмуаси таркибидаги барча тармоқлар мақсадга мувофиқ ҳолда ташкилий, технологик, техникавий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан узаро узвий боғланишини таъминлайди;
- мажмуа таркибидаги корхоналарни барча омилларни эътиборга олган ҳолда мақсадга мувофиқ оқилона жойлаштириш;
- уларнинг ихтисослашувини ва интеграциялашувини таъминлаш;
- самарали фаолият курсатишини таъминлаш мақсадида барча корхоналарни замонавий техникалар билан жиҳозлаш, уларда илғор технологияларни жорий этиш;
- агросаноат мажмуаси таркибидаги корхоналар ихтиёридаги барча ресурслардан (табиий, капитал, мехнат) тадбиркорлик билан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, механизациялаш, электрлаштириш ва кимёлаштириш орқали доимий ва узгарувчан харажатларни камайтириб, экологик талабларга жавоб берадиган маҳсулотларни зарур миқдорда ишлаб чиқариш, уларни истеъмолчиларга етказиб бериб, кўпроқ фойда олишни таъминлаш ва бошқалар.

Агросаноат мажмуаси мақсад ҳамда вазифаларидан келиб чиққан ҳолда унинг таркиби куйидаги 4 та бугиндан ташкил топиши мумкин:

1. Агросаноат мажмуаси таркибидаги корхоналар учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари. Улар таркибан кишлок хужалик машинасозлиги, тракторсозлик саноати, кимё саноати, нефт маҳсулотлари саноати, микробиология саноати, озик-овқат, қурилиш материаллари саноат ва бошқалардан ташкил топади. Уларнинг қулами, айниқса, машинасозлик саноати тармоқлари республикадаги барча омилларни эътиборга олган ҳолда чекланган.

Шу бугиндаги тармоқларнинг асосий мақсади-агросаноат мажмуаси таркибидаги, хусусан, кишлок хужалиги ва унга ирригация-мелиорация, техника таъминоти ва таъмирлаш, кимёлаштириш, зооветеринария хизматларини курсатувчи ҳамда кишлок хужалик маҳсулотларини қайта ишловчи пахта тозалаш саноати, дон маҳсулотлари, мева-сабзавот, гушт-сут саноати, енгил ва озик овқат саноати корхоналари ва ниҳоят тайёр маҳсулотларни етказиб беришда зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари (машина, трактор, кимё воситалари, озуқа

моддалари) билан таъминлашдир. Демак, биринчи бугин таркибидаги тармоқлар ривожланишини таъминлайдиган моддий техника базасини барпо этишга улкан хисса кушади.

2. Агросаноат мажмуасининг асосий бугини ҳисобланган кишлоқ ҳўжалигидан ташкил топади. Унинг барча тармоқлари усимликчилик ва чорвачилик тармоқларида саноат тармоқлари учун хом-ашёлар (пахта хом-ашёси, бошокли донлар, каноп, зигир, канд лавлагии, жун, тери, кунжут, узум) ахоли истеъмоли учун эса гушт, сут, сабзавот, полиз, мева махсулотлари етиштирилади. Бу бугин кишлоқ хўжалиги агросаноат мажмуасининг асосий яъни марказий тармоги ҳисобланади.

3. У кишлоқ хўжалигини ташкил этиш ҳамда унинг ривожланишига хизмат курсатадиган тармоқлар, жумладан, экинларни, чорва молларини сув билан таъминлайдиган, ерларнинг мелиоратив холати яхшиланишини таъмин этувчи чора-тадбирлар тизимини амалга оширадиган сув хўжалиги тармоги; кишлоқ хўжалигида фойдаланаётган барча техникаларга сервис хизмати курсатадиган тармоқ; тармоқка зооветеринария хизмати, шунингдек, хашоратларга, зараркунандаларга, бегона утларга карши курашиш мақсадида кимёвий хизмат курсатадиган сохаларни уз ичига олади.

4. Унга кишлоқ хўжалик махсулотларини кайта ишловчи, сакловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар, жумладан, пахта тозалаш, донни, канопни, канд лавлагини, гушт ва сутни, тамакини, сабзавот ва полиз махсулотларини, мева, узумни ыйта ишлаш, енгил ва бошка саноат тармоқлари; бозор талабини эътиборга олган холда тайёр махсулотларни улгуржи ва чакана холда етказиб берадиган савдо тармоқлари киради.

Республика агросаноат мажмуасини баркарор ривожлантиришда мамлакатда мавжуд булган иктисодий ҳамда ижтимоий инфратузилмаларнинг ҳам ахамияти, таъсири улкан. Улар агросаноат мажмуаси таркибидаги барча тармоқларнинг ривожланишини таъминлаш мақсадида банк, сугурта, инвестиция, солик, лизинг, согликни саклаш, таълим-тарбия, маънавий, маданий, санъат, коммунал хизматларни амалга оширадидлар. Шунинг учун барча мажмуалар уртасидаги муносабатлар узаро манфаатли холда амалга оширилгани маъкул.

Агросаноат мажмуасининг мақсадидан келиб чиккан холда унинг ишлаб чикариш жараёнида узаро узвий боғланган куйидаги боскичлар мавжуд:

- агросаноат мажмуаси таркибидаги тармоқлар учун ишлаб чикариш воситалари ишлаб чикариш;

- кишлок хужалик махсулотлари ишлаб чиқариш;
- мажмуада такрор ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш техникавий ва технологик хизматлардан фойдаланиш;
- кишлок хужалик махсулотларини озик-овқат ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш;
- озик-овқат ҳамда халқ истеъмоли товарларини истеъмолчиларга етказиб бериш;

Республика агросаноат мажмуаси таркибидаги тармоқларнинг ташкилий, техникавий, технологик, иқтисодий ҳамда ижтимоий узаро боғланиши, яъни интеграциялашуви натижасида меҳнат тақсироти амалга оширилмоқда. Бу ҳолда агросаноат мажмуаси ихтиёридаги барча ресурслардан, шу жумладан, чекланганларидан ҳам самарали фойдаланишини таъминлашга, техника ва технологияларни ривожлантиришга, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштиришга, автоматлаштиришга, электрлаштиришга компьютерлаштиришга ҳамда тармоқларни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган. Улар талаб даражасида амалга оширилиши натижасида харидоргир, рақобатбардош озик-овқат ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми ортади. Улар истеъмолчиларга сифатли ва қулай усуллар билан таъминланиши даражаси ортади, мажмуа таркибидаги тармоқларнинг фойдалари қўпаяди. Натижада агросаноат мажмуасининг иқтисодий самарадорлиги юксалади.

Агросаноат мажмуасининг иқтисодий самарадорлик даражасини қатор курсаткичлар ёрдамида аниқлаш мумкин.

Жумладан, Республика агросаноат мажмуасининг ялпи маҳсулоти. У мажмуа таркибидаги тармоқлар қорхоналари бир йил мобайнида ишлаб чиқарган тайёр маҳсулот ва қўрилган хизматлар миқдоридан ташкил топади. Ялпи маҳсулотнинг миқдори ҳар бир тармоқ бўйича абсолют, яъни натурал курсаткичлар ёрдамида ҳисобланади. Бу курсаткич ёрдамида агросаноат мажмуасидаги тармоқлар ялпи маҳсулотининг миқдори алоҳида-алоҳида аниқланиб, аввалги цикллардаги рақамлар билан таққосланиб, тармоқларнинг қандай ҳолатдалиги аниқланади.

Ялпи маҳсулот қийматини ҳисоблашда маҳсулотларнинг бир неча марта ҳисобга олинишини бартараф этиш мақсадида, агросаноат мажмуасининг барча тармоқларида яратилган қиймат суммасини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки қўрилган қиймат – бу, қорхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматидан етказиб берувчилардан сотиб олинган ва истеъмол қилинган хомашё

ва материаллар киймати (амортизация суммасидан ташкари) чиқариб ташлангандан сунг колган қисмининг бозор баҳоларидаги кийматидир. Мажмуа ялпи маҳсулотининг ҳақиқий баҳоларидаги кийматини республика ялпи миллий маҳсулоти таркибидаги салмоғини аниқлаб, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши ва узғаришини ҳам аниқлаш мумкин. Агарда агросаноат мажмуаси ялпи маҳсулотининг республика ялпи миллий маҳсулотидеги салмоғи усаётган бўлса, ялпи миллий маҳсулот ошган ҳолда мажмуанинг мамлакат иқтисодиётидаги урни юксалаётганлигидан далолат беради.

Агросаноат мажмуаси барча валюта тушумини республика жами валюта тушумига нисбати билан мажмуанинг салмоғини аниқлаш мумкин. Ҳозирги даврда бу курсаткичнинг салмоғи 60 фоизга яқинлашиб қолган. Шундан 24-26 фоизини пахта толасини сотишдан олинаётган валюта ташкил қилмоқда.

Ҳозиргача ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг 95,3 фоизи четга экспорт қилинмоқда. Шунинг натижасида сезиларли миқдордаги валюта республикага олиб келинмоқда.

Кишлоқ хужалиғи ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини характерлашда натурал ва киймат курсаткичлари тизимидан фойдаланилади. Самарадорликнинг натурал курсаткичлари кишлоқ хужалиғи усимликлари ҳосилдорлиғи ва хайвонлар маҳсулдорлиғи ҳисобланади. Натурал курсаткичлар киймат курсаткичларни: ялпи ва товар маҳсулот, ялпи ва соф даромад, фойда ва ишлаб чиқариш рентабеллигини ҳисоблашда асос саналади.

Ялпи маҳсулот – маълум давр мобайнида яратилган барча кишлоқ хужалиғи маҳсулотларининг пулдаги ифодаси, товар маҳсулот эса, сотилган маҳсулотдир.

Ялпи даромад (ЯД) – ялпи маҳсулот (ЯМ) киймати билан ундаги моддий сарфлар (МС) орасидаги фарқлар:

$$\mathbf{ЯД = ЯМ - МС}$$

Соф даромад (СД) ялпи маҳсулот кийматидан ишлаб чиқариш харажатлари ёки унинг таннарҳини айириб ташлаш йули билан аниқланади:

$$\mathbf{СД = ЯМ - ТМ}$$

Кишлоқ хужалиғи ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлигини умумлаштирувчи натижа рентабелликдир. Рентабеллик даражаси (Р) фойданинг маҳсулотнинг тулик (тижорат) таннарҳига нисбатан % даги киймати сифатида ҳисобланади. Бу курсаткичлар бутун кишлоқ хужалигининг самарадорлигини характерлашда ҳам, тармок самарадорлигини ифодалашда алоҳида маҳсулот буйича ҳам қулланилади.

Агросаноат мажмуаси тармоклари корхоналарида фойдаланилаётган, сарфланаётган ишлаб чиқариш фондларининг, қилинаётган харажатларнинг самарадорлиги. Бу курсаткичларни аниқлаш учун агросаноат мажмуасининг ялпи маҳсулотини, миллий маҳсулотини ҳамда соф фойда суммасини ишлаб чиқариш фондларига, харажатлар суммасига тақсимлаш зарур. Шунда 1 сумлик ишлаб чиқариш фондлари, харажатлар эвазига олинган ялпи маҳсулот, миллий маҳсулот ҳамда соф фойда суммаси аниқланади. Агарда бу курсаткичларнинг мутлак (абсолют) миқдори ошиб борса, у ҳолда бу фондларнинг, харажатларнинг иқтисодий самарадорлиги ошаётганлигидан далolat беради.

Агросаноат мажмуаси тармоқларининг, корхоналарнинг рентабеллик даражасини аниқлаш учун тармоқларнинг, корхоналарнинг соф фойдасини жами харажатлар суммасига тақсимлаб, натижани 100 га кўпайтириш лозим. Бу курсаткич фоизда аниқланади.

Агросаноат мажмуи моддий техника базасига етарли даражада аҳамият берилмаганлиги техника, уғит, капитал маблағлар ажратилмаганлиги туфайли ҳозирги ҳолатга тушди. Чунинчи, кейинги йилларда АСМ га халқ хужалигига сарф этилган капитал маблағларининг 30-32%и ажратилган.

Агросаноат ишлаб чиқариши самарадорлиги пастлиги, ривожланмаганлиги асосий сабаблардан бири Агросаноат мажмуасининг алоҳида соҳаларини моддий-техника билан таъминлаш жараёнидаги номуносиблик, соҳа тармоқларининг алоҳида маҳкама ва вазирликларга бўйсунishi, улар уртасидаги узаро номувофик алоқаларни бартараф этиш учун тармоқлараро ягона тақрор ишлаб чиқаришни ривожлантириш заنجирининг йуқлигидир.

Бунинг сабаби шундаки соҳа тармоқлари уртасидаги алоқалар узаро иқтисодий манфаатдорлик асосида йулга қуйилмаган. Моддий-техника базаси етарли даражада ривожлантирилмаган.

Юқорида таъкидлаб утилганидек, кишлок хужалигида ишлаб чиқариш натижалари об-хаво ва иқлим шароитларига қараб йиллар бўйича узғариб туради. Шу сабабли, бу соҳада тақрор ишлаб чиқаришнинг бир маромда кечишини таъминлаш қўпинча фондларни барпо этиш ва саклаб туришни талаб этади. Шунинг учун фавқулодда ҳолларда ишлатиш учун озуқа, уруглик ва иш хақи захира фондларини ташкил этиш лозим.

Бозорни бошқариш, дастлаб бевосита юқори пировард натижаларга эришиш – кишлок хужалиги ва агросаноат мажмуи таркибидаги бошқа тармоқлар уртасида баланслашган муносибликни ургатишдир. Шу муносабат билан давлат

бошқарув идоралари ва агросаноат таркибидаги хужалик (корхона, ташкилот)лар ишчи аппарати ходимларининг барча бошқрув босқичларидаги урни ортиб борди.

Давлат бошқарув идораларининг агросаноат мажмуида хужалик механизмини тартибга солишдаги роли бевосита иқтисодий дастаклар ва моддий рағбатлантириш орқали усиб боради. Таъкидлаш жоизки, давлат томонидан бошқаришни тартибга солиш, назаримизда, маълум вазифадан ташкил топмоги лозим. Улар куйидагилардан иборат:

- бюджет, кредит ресурсларидан ва давлат томонидан хужаликларга бериладиган ёрдам маблағларидан оқилона фойдаланиш;
- кишлок хужалиги ва бошқа тармоқлар уртасидаги баҳолар мутаносиблигини саклашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
- республика ва унинг минатқалари буйича озик-овқат фондини яратиш, кишлок товар ишлаб чиқарувчилари учун маркетинг хизматини ташкил этиш;
- самарали инвестиция, инновация ва институционал сиёсатни олиб бориш;

Хозирги пайтда агросаноат мажмуини бошқаришда қатор камчиликлар мавжуд, хусусан:

- агросаноатда ишлаб чиқаришни тартибга солишда, айниқса, тармоқлараро муносабатларга таъсир этишда ва кишлок хужалиги ҳамда саноат корхоналари уртасидаги эквивалент алмашувида давлатларнинг иштирок этмаётганлиги;
- ислохотларни жорий этишда минатқавий хусусиятлар ва мавжуд кишлок хужалиги ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳисобга олинмаётганлиги;
- аграр соҳани қайта ташкил этишда ижтимоий омилларни, хусусан, меҳнатга қобилиятли ходимларни иш билан таъминлашга қаратилган тадбирларнинг ҳаётга секин жори этилаётганлиги.

Хориж ва мамлакатимизда тупланган тажрибалар шуни қурсатмоқдаки, бозорнинг шаклланиш жараёни усиб бориши билан хужалик субъектлари томонидан иқтисодиётни бошқариш омилларининг аҳамияти ҳам ортиб боради. Қўпгина мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, бозор муносабатлари ривожланиши билан давлатнинг агросаноат тизими ва унинг алоҳида тармоқларига мақсадга мувофиқ равишда таъсир этиш зарурати сакланиб қолади.

Бозор муносабатларини шакллантириш жараёнида кишлок хужалиги корхоналарини ислох қилиш ва шу асосда деҳқон меҳнатининг нуфузини ошириш

кишлоқ хужалигини сифат жиҳатдан янги асосларда қайта тиклаш, озик-овкат муаммосини ҳал этиш, мамлакатимиз кишлоқ жойларида қулай иш ҳамда турмуш шароитларини таъминлаш энг асосий масалаларидан бири бўлиб белгиланган. Юртбошимиз уз нутқида таъкидлаганидек: “Кишлоқни янгилаш ва қайта қуриш чора-тадбирлари тизимида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш жуда катта аҳамиятга эга”<sup>3</sup>.

Ўзбекистон иқтисодий ислохотлар натижасида қарор топаётган иқтисодий муносабатлар таъсири остида кишлоқ хужалигид бандликнинг сон жиҳатдан мутлак ва нисбий қисқаришига мойиллиги кузатилади. Бушаган меҳнат воситаларини сервис ва қайта ишлаш соҳасига йуналтирилиши шарт.

Айнан шунинг учун ҳам ушбу масалани тулик ҳал этиш кузда тутилиб, кишлоқ жойларида кичик ва урта бизнесни ривожлантиришнинг Давлат дастури қабул қилинди. Белгиланган дастурни амалга ошириш кишлоқ хужалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга ҳар томонлама хизмат курсатиш ва уларнинг хизматларига бўлган талаби тулик қондирилиши учун илмий асосланган инфратузилмани яратиш орқали қўллаб қувватланади.

Инфратузилма (лотинча “infra” – қуйи, “struktura” – жойлашув, тузилиш) турли туман хизмат курсатувчи тармоқлар комплекси: транспорт, алоқа, савдо, моддий техника таъминоти, сув билан таъминлаш, фан, маориф, соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни химоя ва бошқаларни уз ичига олади.

Жаҳон тажрибасида инфратузилмалар ушунчаси XX аср бошларида биринчи бор ҳарбий қуролли қучларининг тулакони фаолият юргизиши учун зарур бўлган объектлар ва иншоотлар мажмуаси сифатида муомалага қиритилган. Гарб давлатлари тараккиёт босқичининг 1940 йилларига қелиб инфратузилмани моддий ишлаб чиқариш соҳаларининг фаолиятига зарурий шарт-шароитлар яратувчи тармоқ ва муассасаларининг яхлит бир таркиби сифатида тушунишган. XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб собиқ иттифок республикалари, жумладан Ўзбекистон олимларининг илмий-тадқиқот изланишларида ва амалиётда инфратузилманинг назарий-амалий муаммолари урганила бошланди.

Инфратузилма – барча иқтисодий тизимнинг таркибий қисмларидан бўлиб, узининг курсатадиган қўл қиррали хизматлари туфайли халқ хужалигининг барча тармоқ ва қорхоналарининг ички иқтисодий ҳуқуқий фаолиятини ташкил этишда асос бўлиб ҳисобланади. “Инфратузилма” комплекси – иқтисодиётимизнинг бутун

---

<sup>3</sup> И.А.Қаримов Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни қўқураштириш йулида. – Тошқент, “Ўзбекистон” 1995 йил, 73-бет.

структураси таянадиган пойдевордир. Республиканинг бутун халк хужалик комплекси ишининг уйгунлиги, унинг самарадорлиги, шунингдек чет эл сармояларини жалб килиш ва узлаштириш имконияти бутунлай инфратузилма тизими ривожининг холатига ва даражасига боғлиқ.

Демак, барча ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг, умуман олганда бутун бир иктисодий тизимнинг фаолиятини бир маромда тухтовсиз ва самарали юргизиш учун уларнинг иктисодий-ташкилий ва ҳуқуқий шароитларининг таъминловчи институтлар тизими мавжуд булиши шарт. Шу уринда айтиш лозимки, режали иктисодиётга ва марказлашган бошқарув тизимига асосланган аввалги социалистик ишлаб чиқариш даврида бу вазифаларни асосан давлат органлари, жумладан Республика Вазирлар Кенгаши, давлат режалаштириш кумитаси, давлат Марказий банки каби идоралар орқали бажарилар эди. Бу эса бозор институтларининг муносабатлари, талаб ва тамойиллари марказлашган режалаштириш ва бошқариш тизими ичида пайдо булиши мумкин эмас. Шу боис у даврда бозор инфратузилмаси тушунчаси ва унинг таркибини ташкил этувчи ташкилот ҳамда муассасаларнинг аксарият қисми мавжуд эмас эди.

Инфратузилма ишлаб чиқариш, технологик, иктисодий ва ташкилий алоқалар жараёнида вужудга келадиган реализация орқали Агросаноат мажмуаси (АСМ)нинг самарали ишлашини таъминлайди. Инфратузилма жамият ишлаб чиқариш кучларининг булинмас қисми ҳисобланади. У корхонанинг самарали фаолиятини таъминлайди ва АСМ нинг пировард маҳсулотини микдоран қуп ва сифатан юқори булишга йуналтирилган. Кишлоқ хужалиги маҳсулотининг ялпи ишлаб чиқарилиши охир оқибатда тармоқнинг ишлаб чиқариш фондлари, айланма маблағлари, меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси билан бирга хизмат килувчи тузилмаларнинг ривожланганлик даражасига боғлиқ. Улар жумласига агрокимё, зооветеринария, ахборот консалтинг хизматларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Инфратузилма жумласига қирадиган тармоқлар ишлаб чиқариш жараёнига бир хилда таъсир қурсатмайди ва жамият ишлаб чиқаришида узига хос урин эгаллайди. Шу туфайли инфратузилма тармоқларини асосий қурсаткичлари буйича турқумланиши алоҳида элементлари билан бирга бутун тармоқларнинг жамият ишлаб чиқариш тизимидаги уринларини белгилашга ёрдам беради. У тармоқлараро алоқаларни урганишга ва асосий ишлаб чиқариш билан хизмат қурсатиш тармоқлари орасида оптимал мувозанатни белгилашда қумаклашади.

Инфратузилма элементларининг характерини қуп томонлама ҳисобга олган

холда уни конкрет хусусияти буйича туркумлаш мумкин эмас. Агросаноат мажмуа инфратузилмаси элементларини куйидаги турт хусусияти оркали туркумланиши мумкин:

- ишлаб чикариш жараёнига таъсири даражаси билан;
- худудий;
- тармок;
- функционал йуналтирилганлиги буйича;

Агросаноат мажмуа инфратузилмасини ишлаб чикариш жараёнига таъсири даражаси буйича куйидаги икки гурухга булиш мумкин:

- ишлаб чикариш:
- ижтимоий.

Ишлаб чикариш инфратузилмаси иктисодий самарадорлигининг асосий курсаткичи объектлар ишлаб чикариш харажатларининг уз-узини коплаши хисобланади. У куйидаги формула оркали аникланади:

$$\text{КИ} = \text{К ёки Б} / \text{МИ}$$

Бу ерда:

КИ – ишлаб чикариш инфратузилмасига кетган харажатларнинг уз-узини коплаши:

К ёки Б – кишлок хужалиги махсулотининг киймати:

МИ – ишлаб чикариш инфратузилмасининг ишлаб чикаришга кетган моддий харажатлари;

Ишлаб чикариш инфратузилмаси ишлаб чикариш маблаглари хамда уларнинг узок муддат ишлашини таъминлайдиган тармокларини уз ичига олади. Ишлаб чикариш инфратузилмаси таркибига бевосита кишлок хужалигига хизмат курсатувчи шахобчалар киради: ишлаб чикаришга йуналтирилган транспорт, таъмирлаш устахоналари, омбор хужаликлари, коммуникация тизими ва телеграф, алока, электроэнергия узатиш линиялари, илмий ишлаб чикариш лабораториялари, хисоб-марказлари. Бундай хизматларга усимлик мухофазаси, агротехника, ветеринария, техник таъмир, юридик ва бошка хизматлари киради.

Ишлаб чикариш инфратузилмасининг шаклланишига купгина омиллар таъсир килади. Уларнинг ичида тупрок-иклим шароити, худуд рельефи, сув билан таъминланиши, ер худуди конфигурацияси, йул холати, корхонанинг жойлашиши, кулланаётган технологиялар, ишлаб чикариш ихтисослашиши ва концентрациялашиш даражасига алохида эътибор берилади.

Кишлок хужалиги корхоналарида собик иттифок давридагига караганда хозирги

вакгда алоканинг урни ва ахамияти жуда муҳимдир. Чунки, хужаликларнинг аксарият қисми узи етиштирган маҳсулотларнинг давлат буюртмасидан ташқари қисмини хоҳлаган ташкилот, фирмага ёки бозорда сотиши мумкин. Шу боис уларнинг бозор конъюктурасини урганиши ёки баҳо тизими узғариб туришидан хабардор булишида, алоқа тизимининг энг замонавий усқуналаридан фойдаланишда хужаликлар етиштирган маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ булган жараёнларни имкон даржасида хал қилишга қумаклашади.

Қишлоқ хужалигида иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш билан фермер хужаликларининг урни тобора муҳим аҳамият қасб этаётганлигини хис қилиши мумкин. Биноабарин, қишлоқ хужалигида асосий хужалиқ юритувчи шакл фермер хужаликлари ривожини билан қамбарчас боғлиқ экан, барча савийи-харакатларимизни ушбу истикболли тизимга хизмат қилишга йуналтирмоқ лозим.

Фермер хужаликларида ишлаб чиқариш қажми усиши билан моддий техника ресурслари, қерақли қом-ашё ва ёрдамчи материаллардан фойдаланиш қажми ҳам ошади. Хужаликларнинг электроэнергия, транспорт, алоқа воситаларига, маҳсулотни саклаш жойларига талаб ошади. Шунингдек, таъмирлаш техника хизмати, моддий-техника таъминоти ташкилотларига, муҳандислик, зооветеринария, агроқимё хизмати ва бошқа хизматларга боғлиқлик даражаси усади. Бу жараёнда самарали фойдаланишни ва истеъмолчига етқазиб беришни таъминлайдиган ташкилот ва тармоқларнинг ривожланиши ҳам муҳим аҳамият қасб этади. Умуман олганда, фермерлик харакатининг ривожланиши, унга хизмат курсатувчи тармоқларга, яъни инфратузилмага боғлиқ.



## **II Боб Қишлоқ хўжалигида инфратузулманинг ижтимоий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили**

### **2.1. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси ривожланишининг ҳозирги ҳолати**

Маълумки, фермер хўжалиқларига агротехник хизмат кўрсатишни яхшилаш, қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш самарасини ошириш мақсадида республикада муқобил машина – трактор парклари тузилди. Вилоятда фаолият кўрсатиб келаётган муқобил МТПларда жами 5745та турли русумдаги тракторлар мавжуд бўлиб, шундан 566 тасини ҳайдов тракторлари ва 2479 тасини чопиқ тракторлари ташкил этади.

Қашқадарё вилоятида жами суғориладиган майдон 500 минг гектардан ошиқдир, шундан Қарши бош канали тизими бўйича суғориладиган майдон 330 минг гектарни ташкил этади. Демак, хавза ҳудудидаги суғориладиган ерлар, сув ресурсларидан оқилона, самарали фойдаланишни талаб этади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республикада сувдан фойдаланишни яхшилаш мақсадида ва сувнинг тайин эгаси бўлишини ҳисобга олиб, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ташкил этилди. Умуман олганда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва шу мақсадда сув хўжалиги инфратузилмасини такомиллаштириш ва унинг хизматларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Унинг вазифасига сув манбаларидан сув олиш, каналлар орқали сувдан фойдаланувчиларни сув билан таъминлаш, суғориш ва ернинг шўрини ювишга олинадиган сув ресурсларини ҳисобга олиш, сувдан фойдаланиш ва суғориш сувининг сифатини назорат қилиш ва бошқалар кирди. СФУлар асосан тугатилган ширкат хўжалиқлари негизида ташкил этилган фермерларни бирлаштириб, улар тўланган бадал ва йиллик даромадидан маълум миқдордаги тўлов ҳисобига ўз фаолиятини юритади ва ривожлантиради. Ҳозирги кунда СФУларнинг шаклланишига ва ривожланишига тўсиқ бўлувчи баъзи бир муаммоларни инкор этиб бўлмайди:

- уюшма аъзолари бадаллари ҳисобига ташкил топган маблағ, янги механизмлар, машина ва ускуналар жиҳозлари сотиб олишга етмаслиги мумкин;
- асосий қишлоқ хўжалиги экинларига белгиланган нархлар сувдан фойдаланувчиларга сувга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш имкони берилмаслиги;
- банк томонидан сувдан фойдаланувчиларга бериладиган кредит ставкаларининг юқорилиги, СФУнинг лойиҳаларини амалга оширишга сабаб бўлиши мумкин;
- СФУни бошқарадиган ва ташкил этадиган сув ўлчагич асбобларининг етишмаслиги.

Ушбу ва бошқа муаммоларни бартараф этиш ҳамда уюшманинг самарали фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида сувдан хусусий фойдаланишнинг ҳуқуқий

асосини яратиш лозим. Сувга ва ирригация тизимига мулкчилик ҳуқуқини аниқлаш уюшманинг узок вақт фаолият кўрсатиши учун замин яратади.

Ҳукуматимиз хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 1 –февралдаги 63 – сонли «Қишлоқ хўжалигида агрокимёвий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компаниясига қарашли вилоят бошқармалари таркибида 452 дан ортиқ минерал ўғитлар билан савдо қилувчи дўконлар ташкил этилди. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, вилоятда агрокимёсервис талаб даражасида эмас:

- кимёвий воситалар ва минерал ўғитларнинг баҳолари тез суръатлар билан ошиб бормоқда;

- «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компанияси тизимидаги кимёвий восита ва минерал ўғит сақлаш омборларининг ҳолати талаб даражасида эмас;

- кимёвий воситалар ва минерал ўғитларни ташиш ва сақлашда фойдаланиладиган техника воситаларининг аксарияти хизмат муддатлари тугаган.

Бу муаммоларни бартараф этиш учун рақобат муҳитини яратиш лозим. Чунки, «Ўзқишлоқхўжаликкимё» давлат акциядорлик компаниясига тенг келадиган нодавлат ташкилотларнинг йўқлиги сабабли, улар монопол корхонага айланиб қолмоқда. Монополияга барҳам бермасдан туриб, фермер хўжаликларига агрокимёсервис кўрсатиш тизими бозор талабларига мослаштириш мумкин эмас.



Косон туманида пахта ҳосили учун ғуза майдонларини озиклантирин учун сарфланган менерал ўғитлар

Йиллар	Жами пахта майдони	Азотли				Фосфорли				Калийли			
		Режа	Амалда	Ўртача 1 га/кг	Режанинг бажарилиши,%	Режа	Амалда	Ўртача 1 га/кг	Режанинг бажарилиши,%	Режа	Амалда	Ўртача 1 га/кг	Режанинг бажарилиши,%
2010	24392	14859	11254	461,38	75,7	3569	3045	12,48	85,3	225	198	8,1	88,0
2011	25900	15397	12980	501	84,3	4246	2088	81	49	1165	1096	42,3	94,1
2012	22323	13814	13300	596	96	3004	2924	131	97	165	117	5	71
2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш, %	91,5	93,0	118,2	129,2	1,3 марта	84,2	96,0	1049,4	1,1 марта	73,3	59,1	61,6	0,8 марта

Шу билан бирга ёқилғи-мойлаш материалларини сотиш шахобчаларида ҳам ушбу муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг сони 173 тани ташкил этади. Умуман олганда ЁММ ва минерал ўғит билан фермерларни таъминлашда монопол ҳолатни бартараф этиш учун туманларда биржаларни ташкил этиш ва фермерларнинг айнан шу биржалар орқали савдо қилишини йўлга қўйиш лозим.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни муомала соҳасида яқунланади, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг товарлик даражасининг юқори бўлиши хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигига ижобий таъсир этади. Бунда фермерлар учун маҳсулот сотишга кўмак берувчи бир нечта йўналишдаги инфратузилмаларнинг, яъни тайёрлов ташкилотлари, қайта ишлаш корхоналари, хусусий тадбиркорлар ва бозорларни аҳамияти каттадир. Лекин, фермерлар ўзларининг маҳсулотларини асосан тайёрлов ташкилотлари ва қайта ишлаш корхоналарига, шунингдек бозорда сотмоқдалар.

Маълумки, фермер хўжаликлари ривожланиб бориши бевосита сармоя билан таъминланганлигига боғлиқ. Дастлабки шаклланаётган вақтда кўпгина фермер хўжаликлари маблағга эҳтиёж сезадилар. Шу сабабли фермер хўжаликлари рағбатлантириш ва ривожлантириш учун уларни имтиёзли тўғридан – тўғри кредитлаш йўлга қўйилди. Фермерларга қулайлик яратиш ва вақтдан унумли фойдаланиш мақсадида туманларда минибанклар ташкил этилмоқда ва улар фермерларга хизмат кўрсатишмоқда.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси таркибида ахборот ва маслаҳат хизмати муҳим ўрин тўтади. Чунки, етарли ахборотга эга бўлмай туриб, хўжалик самарадорлигини таъмин этувчи бошқарув Қарорларини қабул қилиб бўлмайди. Бозор муносабатлари шароитида фермерлар ҳар қачондагидан ҳам ахборот маслаҳат – консалтинг хизматига эҳтиёж сезмоқда. Бунга сабаб – ҳозирги кунда ушбу хизмат турлари етарли даражада шаклланмаган, шу билан бирга фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш ҳажмини инобатга оладиган бўлсак, уларда агроном, зоотехник ва шу каби мутахассисларни сақлаб туриш ўзини оқламайди. Шунинг учун ҳар бир тумандаги фермерлар уюшмаси қошида ахборот консалтинг шахобчаларини очиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Улар фермерларга ишлаб чиқаришни фан-техниканинг энг янги ютуқлари, замонавий техника ва технологиялар, илғор тажрибаси билан таъминлаб туришга ёрдам беради.

Фермер хўжаликларининг 20–25 фоизида бухгалтерия иши тўғри йўлга қўйилмаган, аксарият фермер хўжаликларида ҳисобчилар ёлланма ишлайдилар, бунда эса хатоларга йўл қўйилмоқда

Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, инфратузилма тармоқларини ривожланиб боришидан фермер хўжаликлари катта манфаат кўради, негаки бу фермерларни ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишлардан озод этиб, уларнинг кўч – ғайратини асосий фаолиятига қаратишга имкон яратади.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида шаклланиб келаётган фермер ва деҳқон

хўжаликларининг мустақкам оёққа туриши ва барқарор суръатлар билан ривожланиши учун уларнинг моддий-техника базасини юксалтиришга эътибор қаратиш лозим. Фермер хўжалигининг моддий-техника ресурслари таркибига хомашё, ёқилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар, уруғлик ва кўчат, минерал ва органик ўғитлар, ем-хашак ва ёш чорва моллари, техника воситалари ва бошқалар киради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан замонавий техника ва технологиялар билан қуролланишга боғлиқ бўлиб бормоқда ва бу ҳолат фермер хўжаликлариини моддий-техника воситалари билан таъминлаш йўналишларини такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Лекин шу билан бирга фермер хўжаликларининг ривожланиши бевосита унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларининг хизмат сифати билан ўзвий боғлиқдир. Маълумки, инфратузилма субъектларнинг хизмат кўрсатиш сифати кўп жиҳатдан фаолият учун зарур бўлган инвентар ёки асбоб–ускунага боғлиқ, яъни уларнинг моддий-техника базаси билан таъминланиш даражасига.

Инфратузилма объектларининг моддий-техника базасига уларнинг бино–иншоотлари, асбоб–ускуналари, техникалар, транспорт воситалари, электрон асбоблар, модемлар, ўлчаш асбоблари ва бошқа инфратузилма муассасаларнинг фаолиятида қўлланилаётган асосий ва айланма воситалардир.

Моддий-техника ресурслари таъминотида ҳамон ихтисослашган корхоналар ҳиссаси юқори бўлиб, хусусий сектор корхоналари ҳали яхши тараққий этмаган. Қолаверса, минерал ўғитлар ва ёқилғи материаллари бозорини монополиядан чиқариш ва эркинлаштириш чораларини амалга ошириш талаб этилади.

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси Қашқадарё вилоят филиали орқали вилоят бўйича лизинг асосида техника сотиб олишга қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 190 та талабнома тушган. Компания бўйича жами 76 та трактор ва 114 та хар хил қишлоқ хўжалиги техникалари олиниб, хўжаликлар ва фермерларга берилган.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, ривожланган хизмат кўрсатувчи соҳаларга эга бўлмасдан туриб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бозорга рақобатбардош қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариб, тақлиф этиш имконияти пасаяди.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалиги инфратузилмалари сони йил сайин ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда вилоятда 197 та ММТП, 171 та СФУ, 185та ЁММ сотиш шахобчалари, 126 та минерал ўғит сотиш шахобчалари, 129та минибанклар, 53 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш шахобчалари, 249 та зооветеринария хизмати, 34 та ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати, 6 та транспорт хизматлари кўрсатиш ва 5та тара идиш ва қадоклаш хизмати мавжуд. Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигида инфратузилма хизматларининг шаклланиши ва ривожланиши асосан давлат кўмаги ва бевосита иштироки

ёрдамида амалга оширилмоқда, яъни бунда Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва Президент Фармонлари асос бўлмоқда. Хусусан, 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги, 2003 йил 27 октябрдаги “2004 – 2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги, 2006 йил 17 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида 2006 – 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги, 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йил давргача хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш қўшимча чора – тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва Фармонлари, “2004- 2006 йилларда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476–сонли Қарорларига асосан қишлоқ жойларда сервис ва инфратузилма шаҳобчалари ташкил этилди. Қишлоқ хўжалигида инфратузилма хизматларининг ташкил этилиши миқдорий жиҳатдан ёндошиб келинмоқда. Шу сабабли, ушбу хизматларни ташкил этиш фақат маъмурий усулда эмас, балки истеъмолчиларнинг ва бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда вужудга келиши лозим.

Косон туманида ғалла ҳосили учун ғуза майдонларини озиклантирин учун сарфланган менерал ўғитлар

Йиллар	Жами пахта майдони	Азотли				Фосфорли				Калийли			
		Режа	Амалда	Ўртача 1 га/кг	Режанинг бажарилиши,%	Режа	Амалда	Ўртача 1 га/кг	Режанинг бажарилиши,%	Режа	Амалда	Ўртача 1 га/кг	Режанинг бажарилиши,%
2010	12431	7542	6745	542,60	89,4	1896	1987	15,98	104,8	69	67	5,4	97,1
2011	10923	6458	6123	560,56	94,8	1654	1546	14,15	93,5	61	57	5,2	93,4
2012	14500	7800	8113	559,52	104,0	2037	1917	13,22	94,1	72,5	64	4,4	88,3
2012 йилда 2010 йилгана nisбатан ўзгариш, %	116,6	103,4	120,3	103,1	1,3 марта	107,4	96,5	82,7	1,1 марта	105,1	95,5	81,9	0,8 марта

Маълумки, республикамызда нархларнинг либераллашуви натижасида саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархлари ўртасидаги номутаносиблик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига салбий таъсир этмоқда, шунингдек, баъзи турдаги ресурсларнинг, техника воситаларнинг четдан олиб келиниши ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг ошишига сабаб бўлмоқда. Қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектларида бозор механизмларини ривожлантириш, рақобатни шакллантириш, хизматлар сифатини ошириш учун авваломбор, инфратузилма тармоғининг моддий техника-базасини мустаҳкамлаб бориш зарур.

Бунда қишлоқ хўжалиги инфратузилма корхоналарида қуйидаги моддий-техника ресурсларнинг мавжудлиги зарурдир:

- ММТП бўйича: қишлоқ хўжалиги машина, трактор, комбайнлар, машина-трактор паркиннинг бино–иншоотлари.
- СФУ бўйича: мелиоратив ва гидротехник иншоотлар, сув ўлчагич, насос, коллектор–зовур тизимлари.
- ЁММ ва минерал ўғит сотиш шахобчалари бўйича: махсус инвентар, асбоб-ускуна, омборхона, тарози, таралар.
- минибанклар бўйича: зарур инвентарлар, персонал компьютерлар, модемлар.

Ушбу ва бошқа қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси тармоқларининг моддий-техника ресурслар билан таъминланиш даражаси таҳлил қилинганда нафақат техникалар сони, балки уларнинг турлари, сифати, ишлаган муддати, яроқлилигини ҳамда ҳозирги бозор талабларига мослигини ҳам инобатга олиш зарурдир.

Ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида ҳар йили фермер хўжаликларида моддий – техника ресурслари, минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари, техника воситалари ва бошқа воситалар билан таъминлаш, улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш борасида кўпгина амалий ишлар қилинмоқда, бунинг натижасида ҳар бир вилоятда инфратузилма субъектларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таъминот ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишга ижобий таъсир қилмоқда

## 2.2 КОСОН ТУМАНИ «ТОЖИБОЙ ОТА» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ ТАШКИЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ТАВСИФИ ВА ИХТИСОСЛАШУВИ

Косон тумани “Тожибой ота” фермер хўжалиги ўзига узок муддат ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланилган холда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шугулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг бирлигидаги фаолиятига асосланган юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустиқил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибдан ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар билан шартнома асосида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга киришишга ҳақли.

Косон тумани “Тожибой ота” фермер хўжалиги мақсади қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш асосида даромад (фойда) олиш, аҳолини озик-овқат билан таъминлаш ҳамда ўз аъзоларининг ижтимоий иқтисодий эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади.

Фермер хўжалигининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ажратилган ерда агротехника қоидалари асосида оқилона ва самарали фойдаланган холда юқори ҳосил олинишини таъминлаш;

-қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш ва реализация қилиш;

-чорва молларни ветеринария қоидалари асосида етиштириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш.

Фермер хўжалигининг фаолият соҳасида қуйидагилардан иборат:

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, саклаш ҳамда бозорларда сотиш шу жумладан уз савдо шаҳобчалари орқали реализация қилиш;

-тижорат фаолияти ва маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш;

-аҳолига пулли хизматлар қурсатиш;

-ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

-фаолиятининг қонун ҳужжатларида таъқиқланган бошқа турларини амалга ошириш.

Фермер хўжалиги юридик шахсининг барча ҳуқуқларига эга бўлади. Фермер хўжалиги тадбиркорлик шаклларида бири бўлиб, ташкил этилишидан қузланган мақсадларга эришиш учун шу мақсадларга монанд тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир. Фермер хўжалиги хўжалик юритишнинг бошқа шаклларидаги қорхоналар билан тенг ҳуқуқларга эга.

Косон тумани «Тожибой ота» фермер хўжалигининг умумий ер майдони 2010 йилда 81,4 гектарни ташкил қилиб, 2012 йилда 12,9 фоизга ошган. 2009 йил 6 октябрда ўзбекистон Республикаси Президентининг 3077-сонли “Фермер хўжалиқларига тасарруфидаги ер участкаларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш мақсадида

махсус комиссияни ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармойиши қабул қилиниши муносабати билан фермер хўжалигининг умумий ер майдони 38.5 гектардан 81,4 гектарга етган. Ер майдони 3,6 гектар тутзор, 1,9 гектар суғориш шохобчалари ва йўллар, 0,1 гектар иморатлар жойлашган, 0,3 кишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдилан ерлар ва 75,5 гектар экин майдонидан иборат, 2011 йилга келиб 86 гектарга кенгайтирилган.

## 2.1-жадвал

Косон тумани "Тожибой ота" фермерхўжалигининг умумий ер майдони

	Ер майдони таркиби	Улчов бирлиги	Йиллар			2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш
			2010	2011	2012	
1	Умумий ер майдони	га	81,4	91,9	91,9	112,9
2	Тутзорлар	га	3,6	3,6	3,6	100,0
3	Суғориш шохобчалари ва йўллар	га	1,9	1,9	1,9	100,0
4	Иморатлар	га	0,1	0,1	0,1	100,0
5	Бошқа ерлар	га	0,3	0,3	0,3	100,0
6	Экин майдони	га	75,5	86	86	113,9

Иқтисодиётда ер деганда, унинг табиий ресурслари тушунилади, яъни: ернинг ҳосилдорлиги, ундаги фойдали қазилма бойликлар ва ҳоказолар. Бунда биз ернинг устки қатламини қараймиз, яъни унинг устки қатлампидан кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ёки қурилишда (уй-жой, мактаб, корхона ва ҳоказо) фойдаланиш мумкин.

Ернинг ўзига хос хусусиятларидан бири, у ҳар доим чекланган ва уни у жойдан бошқа жойга, яъни капитални кўчиргандай кўчириб бўлмайди.

Ер таклифига таъсир этувчи асосий омиллар - бу унинг ҳосилдорлиги ва қулай жойлашганлигидир. Маълумки, сифатли ерлар ҳар доим ва ҳар ерда чекланган бўлади. Сифатли, шаҳарларга яқин бўлган ерлар янада кўпроқ чекланган бўлади.

Маълумки, ернинг ҳосилдорлиги ернинг сифатига, об-ҳаво шароитига, сув билан таъминланиши мумкинлигига, унда меҳнат қиладиганларнинг билимига, тажрибасига ва фойдаланиладиган техникага, экиладиган уруғ сифатига ва ҳоказоларга боғлиқдир. Юқоридаги омилларнинг кўпчилиги ўзгарувчан бўлиб, уларнинг таъсири ҳам ўзгарувчандир. Лекин, кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган капиталнинг ва меҳнатнинг ўзгариши ҳар доим ҳам бир хил содир бўлмайди. Улар одатда маълум муддат ўтгандан кейин ўзгаради.

## 2.3 Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръати

Қишлоқ хўжалигидаги барча корхоналар, ташкилотлар зиммаларидаги асосий вазифасини бажариш учун ишлаб чиқариш жараёнида турли ишларни, хизматларни амалга оширадилар, хилма-хил маҳсулотларни етиштирадилар, хизматларни адо этадилар. Жумладан, пахта, буғдой, шоли, маккажўхори, картошка, карам, помидор, сабзи, сут, гўшт ва бошқа маҳсулотларни етиштирадилар. Етиштирилган бу каби маҳсулотлар уларнинг ялпи маҳсулоти натурал миқдорини ифодалайди. Лекин, бу натурал кўрсаткичлар хўжаликларнинг йиллик фаолиятини тўлиқ ифодалай олмайди, чунки уларни натура ҳолида бир-бирига қўшиб бўлмайди. Шунинг учун ялпи маҳсулот қиймат шаклида аниқланиши лозим. Бунинг учун етиштирилган барча маҳсулотларнинг қиймати қўшилган ҳолда аниқланади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бир йиллик ҳамда бир неча йиллик фаолиятини таҳлил этиш мақсадида ялпи маҳсулотнинг қиймати ҳар йилги ҳақиқий ҳамда қиёсий баҳоларда ҳисобланади. Ҳозирги даврда қиёсий баҳолар сифатида 1996 йилдаги ҳақиқий баҳоларнинг ўртача йиллик миқдори олинган. Маълум йиллардан сўнг бошқа йилнинг ўртача баҳолари олиниши мумкин.

Демак, қишлоқ хўжалигида натура ҳолида етиштирилган турли хилдаги маҳсулотлар тармоқнинг натура ҳолдаги ялпи маҳсулоти дейилади. Тармоқда натура ҳолда етиштирилган маҳсулотларнинг қиймат ҳолидаги умумий йиғиндиси эса қишлоқ хўжалигининг қиймат ҳолидаги ялпи маҳсулоти деб аталади. Тармоқда етиштирилаётган ялпи маҳсулот қиймати алоҳида маҳсулот турлари, тармоқлар ва хўжалик бўйича аниқланади. Ялпи маҳсулот тармоқнинг, корхонанинг бир йиллик фаолиятини ифодаловчи умумий кўрсаткичдир. Қиймат шаклида ҳисобланган ялпи маҳсулотнинг таркиби қуйидагича бўлади:

1. Тайёр маҳсулот;
2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнида бир йил давомида етиштирилиб, йиғиштирилиб, ҳисобга олинган, тақсимлашга ва сотишга тайёр бўлган маҳсулот қишлоқ хўжалигининг тайёр маҳсулоти ҳисобланади.

Келгуси йилларда маҳсулотлар етиштириш учун сарфланадиган харажатлар тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари деб аталади. Жумладан, келгуси йилда пахта, буғдой, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етиштириш учун жорий йилда ерларни ҳайдаш, текислаш билан боғлиқ бўлган харажатлар, келгуси йилда гўшт етиштириш учун жорий йилда харажатлар қилинади. Бундай харажатлар боғдорчиликда ҳам мавжуд.

Натура ҳолдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари турлари бўйича алоҳида-алоҳида, ўсимликчилик маҳсулотлари ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ялпи ҳажми ҳам қиймат ҳолида ҳисобланади. Бу маҳсулотлар бир йиллик ҳажмининг қиймати шу йилги ҳақиқий баҳоларда қуйидагича аниқланади:

- сотилган маҳсулотлар сотиш баҳоларида;
- хўжалик ички эҳтиёжи учун берилганлари уларнинг таннархлари бўйича.

Лекин бозор иқтисодиёти шароитида бу усул хўжалик эҳтиёжларини, ишлаб чиқариш билан шуғулланганларнинг моддий манфаатдорлиги ошишини етарли даражада таъминлай олмайди. Маҳсулотлар таннархда белгиланганлиги учун фойда ололмайдилар. Фойда бўлмагач, ишчиларни маҳсулот ишлаб чиқариш натижасига кўра, рағбатлантириб бўлмайди. Шунинг учун ички эҳтиёжларга берилган маҳсулотларнинг қийматини ҳам ўртача сотиш баҳоларида аниқлаш ёки ички баҳоларни белгилаш мақсадга мувофиқдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг турлари, тармоқлар миқёсида қиймати ҳақиқий баҳоларда аниқланиши натижасида улардан ҳар бирининг жами ялпи маҳсулот қийматидаги салмоғини аниқлаб, таҳлил қилиш, бу кўрсаткичлар асосида қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодиётини таққослаб, умумий хулосалар чиқариш мумкин. Лекин бунда тармоқнинг, хўжаликларнинг бир неча йиллик фаолиятини чуқур таҳлил қилиб бўлмайди. Чунки ҳақиқий баҳолар ҳар йили ўзгариб туради. Масалан, 1 тонна пахта хомашёсининг давлат харид нархи 2000 йилда ўртача 52 минг сўм даражасида белгиланган бўлса, 2002 йилда 104,7 минг сўмга яқин бўлган. Шу йиллар ичида унинг мутлақ миқдори 2 марта, бошоқли донларнинг давлат харид баҳоси эса 2,4 марта ошган. Ялпи маҳсулотнинг умумий қийматига таъсир кўрсатувчи бундай ҳолларнинг олдини олиш учун ялпи маҳсулот қийматини қиёсий баҳоларда аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Улар ёрдамида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг, тармоқдаги меҳнат унумдорлиги даражасининг, фондлар қайтими кўрсаткичларининг бир неча йиллар давомидаги ўзгаришини тўғри ҳал қилиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигидаги тайёр маҳсулотлар ички ва ташқи бозор талабини эътиборга олган ҳолда сотилади, яъни қишлоқ хўжалигида ҳам пул-товар (П-Т) муносабатлари амалга оширилади. Маҳсулотларнинг пул-товар муносабатлари асосида сотилган миқдори товар маҳсулоти деб аталади. Шунга асосланган ҳолда маҳсулотларнинг товарлилик даражаси ҳам аниқланади. Уни аниқлаш учун сотилган маҳсулот миқдорини жами етиштирилган маҳсулотнинг натура ҳолидаги улушига тақсимлаб, 100 га кўпайтириш лозим. Чунки у фоизда ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$T_d = (C_m \div Y_m) * 100$$

Бунда:  $T_d$  – маҳсулотнинг товарлилик даражаси, фоизда;

$C_m$  – сотилган маҳсулот миқдори, тонна, центнер, килограмм;

Я<sub>м</sub> – етиштирилган жами маҳсулот (пахта, бугдой), тонна, центнер

Маҳсулотларнинг товарлилик даражаси тайёр маҳсулот ҳамда талабдан келиб чиққан ҳолда турлича бўлиши мумкин. Унга айрим пайтларда давлатнинг сиёсати ҳам таъсир кўрсатади. Жумладан, ҳозирги даврда пахтага нисбатан давлат буюртмаси ва талабнинг мавжудлиги сабабли унинг товарлилик даражаси 100 фоизга тенг. Айрим техника маҳсулотлари ҳам хўжаликларда фақат сотиш мақсадида етиштирилмоқда. Шунинг учун ҳам уларнинг товарлилик даражаси 100 фоизга тенг бўлади. Масалан, канош. Айрим маҳсулотлар эса фақат ички талабларни қондириш мақсадида етиштирилиши мумкин. Бундай ҳолларда уларнинг товарлилик даражаси аниқланмайди. Жумладан, озуқа учун етиштирилган ем-хашак, сабзи, турп, шолғом, помидор ва бошқалар.

Ялпи ва товар маҳсулотларнинг мамлакат, тармоқлар ҳамда корхоналар иқтисодиётидаги аҳамияти катта. Жумладан, ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажми, қиймати ўсиши натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ҳам ўсиши таъминланади. 2000-2002 йилларда халқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги салмоғи 27-30 фоизни ташкил этмоқда. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш туфайли барпо этилаётган валюта тушуми таркибида уларнинг салмоғи сезиларли бўлмоқда.

Натижада халқ хўжалиги барча соҳаларининг ривожлантирилиши таъминланади.

Ялпи маҳсулотнинг натурал миқдори кўпайиб, улар истеъмолчиларга турли усуллар ёрдамида етказилиши қайта ишлаш тармоқлари ривожланишини ҳамда аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминланиш даражасини юксалтиради. Бу аҳолининг иш билан таъминланиши юксалиб, реал даромади ортишига, яшаш шароити яхшиланашига олиб келади.

Корхоналар ялпи ва товар маҳсулотининг кўпайиши уларнинг ҳам иқтисодиёти юксалишини таъминлайди. Хўжалик ялпи маҳсулотининг, натура ҳолдаги миқдори кўпайиши тайёр маҳсулот миқдори ошишига сабаб бўлиб, ички ва ташқи талаб тўлиқроқ қондирилишига имконият яратади. Натижада сотиладиган маҳсулот миқдори ортади. Уни сотиш эвазига корхоналарнинг пул даромадлари кўпаяди. Бу қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг кенгайтирилган ҳолда ривожланишини, ишчи-хизматчиларнинг эса моддий рағбатлантирилишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам республика ҳукумати қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдорини оширишга, уларнинг сифатини яхшилаб, рақобатбардошлигини юксалтиришга катта эътибор бермоқда. Чунки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чет давлатларга сотиш натижасида мамлакатнинг валюта тушуми ортиб бормоқда. Чет эл валюталари кўпайиши натижасида қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари, янги техникалар, илғор технологиялар сотиб олинмоқда.

2.2-жадвал

Косон тумани "Тожибой ота" фермер хўжалиги экин майдонининг экин турлари бўйича тақсимланиши

	Ер майдони таркиби	Улчов бирлиги	Йиллар			2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш
			2010	2011	2012	
1	Экин майдони	га	75,5	86	86	113,9
2	Пахта	га	48,5	66,0	54,0	111,3
3	Ғалла	га	27	20,0	32,0	118,5

Фермер хўжалигида экин майдони 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 13,9 фоизга ошган. Пахта экиш учун 2012 йилда 48,5 гектар ер ажратилган бўлиб, 2010 йилга нисбатан 11,3 фоизга ошган. Ғалла майдони 18,5 фоизга кшпайган.

2.3-жадвал

Косон тумани "Тожибой ота" фермерхўжалиги экин майдонининг экинлар ҳосилдорлиги

	Ер майдони таркиби	Улчов бирлиги	Йиллар			2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш
			2010	2011	2012	
1	Пахта	Тонна\га	4,0	2,2	3,2	80,1
2	Ғалла	Тона\га	3,1	2,580	3,5	113,2

Косон тумани "Тожибой ота" фермер хўжалигида пахта ҳосилдорлиги 2012 йилда 40 центнерни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 20 фоизга камайган. Ғалланинг ҳосилдорлиги 2012 йилда 31,5 центнерни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 13,2 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Шунинг назарда тутиш керакки, экин ери учун қилинган меҳнат унумдорлигига, яъни экиннинг ҳосилдорлик даражасига табиий шароитлар, табиий омиллар ҳам катта таъсир кўрсатади. Қулай об-ҳаво шароитидагига қараганда унумдорликка ёки ҳосилдорликка эришиши имконини беради. Натижада об-ҳаво қулай келган йилларда ноқулай келган йиллардаги сингари бир хил ҳажмда меҳнат сарф қилинсада, лекин ҳосилдорлик юқори бўлади. Бу ҳол экинлар ҳосилдорлигини режалаштиришда бир йиллик натижа билан чекланиб қолмай, балки камида 5-6 йиллик ўртача даражага асосланишни талаб қилади. Режалаштириладиган ҳосилдорлик қанча узоқ муддатга ҳисобланадиган бўлса, эришилган ўртача ҳосилдорлик даражасини шунча узоқ муддатга асос қилиб олиш мақсадга

мувофиқдир. Ҳосилдорликнинг эришилган даражасини ўрганиш ва таҳлил қилишда корхона жойлашган зонадаги давлат уруғ синаш участкалари, тажриба станциялари ва илғор хўжаликлар ҳамда бригадаларнинг ҳосилдорликни ошириш тажрибалари умумлаштирилиши керак. Ҳосилдорликни унга таъсир этувчи энг асосий омиллар таъсирини ҳисоблаб чиқиш орқали режалаштириш мумкин. Бунда таъсири аниқланадиган омилдан бошқалари бир хил – ўзгармаган бўлиши керак. Таъсири ҳисобланадиган шундай омилларга минерал ва органик ўғитларнинг қўлланиши, янги уруғлик навлари, сув таъминоти ва ҳоказолар киради. Илмий-тадқиқот институтлари маълумотларига кўра, қўшилган ҳосилнинг ярми минерал ўғитлар ҳиссасига тўғри келади. Пахтачиликда ернинг табиий унумдорлиги гектар бошига ўртача 12-14 ц ҳосил олишини таъминлайди. Қолган ҳосил, яъни қўшимча ҳосил ерга қўшимча меҳнат ва маблағ сарфлаш натижасида, меҳнат унумдорлиги ошиши ҳисобига етиштирилган. Ҳақиқатда сарф қилинган соф миқдордаги ўғитнинг бир бирлигига етиштирилган ҳосил билиб олингандан кейин уни режалаштирилган қўшимча ўғит сарфига кўпайтириш орқали қўшимча олинадиган ҳосил миқдори аниқланади:

#### 2.4-жадвал

Косон тумани "Тожибой ота" фермерхўжалиги етиштирилган ялпи ҳосил

	Ер майдони таркиби	Улчов бирлиги	Йиллар			2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш
			2010	2011	2012	
1	Пахта	Тонна	193	147	172	89,1
2	Ғалла	Тонна	83	52	111	134,2

Фермер хўжалигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етштириш хажми унинг ҳосилдорлигига боғлиқ ҳолда ошиб боради. Косон тумани "Тожибой ота" фермер хўжалигида пахтанинг ялпи ҳосили 2012 йилда 172 тоннани ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 11 фоизга камайган. Ғалла етиштириш 2012 йилда 83 тоннани ташкил этган бўлса, 2010 йилга нисбатан 34,2 фоизга ошган. Фермер хўжалигида пахта ер майдонинг камайиши ҳисобига унинг ялпи ҳосили камайган. Ғаллачиликда эса ушбу кўрсаткич ҳосилдорликнинг ошиши натижасидир.

Хўжаликлар ялпи маҳсулот миқдорини сифатини таъминлаган ҳолда кўпайтиришга эришсалар, ялпи даромад, ялпи ва соф фойда суммалари кўпайиши мумкин. Бу ҳол, ўз навбатида, корхона ишчи-хизматчиларини моддий рағбатлантириш учун қўшимча имкониятлар яратади, уларнинг иш ҳақларини ошириш ҳамда мукофотлаш учун ҳам, маҳаллий ва давлат бюджетига ҳам ва ниҳоят, корхона ишлаб чиқаришини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш заминида

ривожлантириш учун ҳам кўпроқ маблағ ажратилади. Натижада ишлаб чиқаришга янги техникалар, самарали технологияларни жорий этиш таъминланади. Бу ҳол меҳнат характерини ўзгартириб, унумдорлиги ошишини таъминлайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқаришининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожланишини таъминлаш учун етиштирилган маҳсулотларнинг бир қисми бу борадаги талабларини қондириш мақсадида ишчи-хизматчиларга иш ҳақи ўрнига натура ҳолида берилади, уларнинг овқатланишлари учун ажратилади. Шунингдек, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида уларга маълум миқдордаги маҳсулотлар текинга берилади.

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалик корхоналарида етиштирилаётган маҳсулотлар муайян каналлар бўйича тақсимланмоқда ва сотилмоқда.

## 2.5-жадвал

Косон тумани "Тожибой ота" фермер хўжалигида бир центнер маҳсулот таннархи

	Ер майдони таркиби	Улчов бирлиги	Йиллар			2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш
			2010	2011	2012	
1	Пахта	Тонна\сўм	448558	457672	529893	118,1
2	Ғалла	тонна\сўм	128015	234975	235936	184,3

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлиги маҳсулотларнинг таннархига боғлиқ.. Фермер хўжалигида пахта ва ғалланинг бошқа кўрсаткичлари сингари ошиб борган. Ушбу кўрсаткич хусусиятига кўра ўсишни тақозо қилса, аммо уни пасайтириш самарадорликни оширади. Фермер хўжалигида пахтанинг бир тоннасининг таннархи 2012 йилда 529893 сўмни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 18.1 фоизга ошган. Ғалланинг бир тоннасининг таннархи 2012 йилда 235936 сўмни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 84,3 фоизга ошган.

## 2.6 –жадвал

Косон тумани "Тожибой ота" фермерхўжалигида бир центнер маҳсулот соиш баҳоси

	Ер майдони таркиби	Улчов бирлиги	Йиллар			2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш
			2010	2011	2012	
1	Пахта	тонна\сўм	640797,5	762786,7	883154,7	137,8
2	Ғалла	тонна\сўм	213358,5	293718,2	337051,6	158,0

Фермер хўжалигида асосан пахта ва ғалла маҳсулотлари сотилади. Пахта ишлаб чиқариш таннархи ошиб бориши билан бирга уларнинг сотиб олиш баҳолари ҳам ошиб борган. Чунки уларга сарфланаётган харажат элементлари нархи ошиб борган. Маҳаллий бозорда ва жаҳон бозорида ҳам нархларининг ошиб бориши кузатилади. Косон тумани "Тожибой ота" фермер хўжалигида пахтанинг бир тоннасининг 2012 йилда ўртача 883154 сўмни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 37.8 фоизга ортган. Ғалланинг бир центнер сотиш баҳоси 2012 йилда 337051 сўмни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 58.0 фоизга ошганлигини 2.6- жадвалдан кўриш мумкин.

## 2,7-жадвал

Косон тумани "Тожибой ота" фермерхўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари

	Кўрсаткичлар	Улчов бирлиги	Йиллар			2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш
			2010	2011	2012	
	Ялпи товар маҳсулот	Минг сўм	141575,0	126904,1	189668,6	133,97
	Ялпи товар маҳсулот таннархи	Минг сўм	97338,0	79173,6	117542,4	120,76
	Фойда(зарар)	Минг сўм	44237,0	47730,5	72126,2	163,04

	Рентабеллик	%	45,45	60,29	61,36	1,35
Пахтачиликда						
	Ялпи товар маҳсулот	Минг сўм	123930,2	111748,2	152255,9	122,86
	Ялпи товар маҳсулот таннархи	Минг сўм	86751,2	67048,9	91353,5	105,31
	Фойда(зарар)	Минг сўм	37179,1	44699,3	60902,3	163,81
	Рентабеллик	%	42,9	66,7	66,7	1,56
Ғаллачиликда						
	Ялпи товар маҳсулот	Минг сўм	17644,8	15155,9	37412,7	212,03
	Ялпи товар маҳсулот таннархи	Минг сўм	10586,9	12124,7	26188,9	247,37
	Фойда(зарар)	Минг сўм	7057,9	3031,2	11223,8	159,02
	Рентабеллик	%	66,67	25,00	42,86	0,64

Косон тумани "Тожибой ота " фермер хўжалигида ялпи товар маҳсулот 2010 йилда 141575 минг сўмни ташкил қилиб, 2012 йилда, 2010 йилга нисбатан 1.3 марта ошган. Жами маҳсулотларни етиштириш учун харажат 2010 йилда 97338.0 минг сўмни ташкил қилиб, 2012 йилда 189668.3 минг сўмни ташкил қилган, 2012 йилда 2010 йилга нисбатан марта ошган. Олинган фойда 2010 йилда 44237 мингсўмни ташкил қилиб, 2012 йилда 72126,32 минг сўмни ташкил қилган , 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 63.8 фоизга ошган. Рентабеллик даражаси 2010 йилда 42.2 ни ташкил қилиб, 2012 йилда 66,7 ни ташкил қилган. 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 1,5 бирликка ошган.

Пахтачиликдадан олинган ялпи даромад 2010 йилда 123930,2 минг сўмни ташкил қилиб, 2012 йилда 152255,9 минг сўм бўлган, 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 1,2 марта ошган. Пахтачиликда қилинган харажат 2010 йилда 86751,2 минг сўмни ташкил қилиб, 2012 йилда 91353,5 минг сўмни ташкил қилган, 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 5,3 фозга ошган. Олинган фойда 2010 йилда 37179 минг сўмни ташкил қилиб, 2012 йилда 60902 минг сўмни ташкил этиб, 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 63,4 фоизга ошган. Рентабеллик даражаси 2012 йилда 42,9 ни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 1,35 бирликка ошган.

Ғаллачиликда ҳам ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши кузатилади. 2012 йилда ғаллачиликдан олинган даромад 17644,8 минг сўмни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 2 марта ошган. Қилинган харажат 2012 йилда 10586,9 минг сўмни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 2,4 марта ошган. Ғаллачиликдан олинган фойда 2012 йилда 11 223 минг сўмни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 59,02 фоизга ошган. Рентабеллик даражаси 2012 йилда 66,7 ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 0,6 пунктга камайган.

2.8- жадвал

Пахтачиликда ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили					
Кўрсаткичлар	Улчов бирлиги	Йиллар			2012 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариш
		2010	2011	2012	
Бир гектар ердан олинган ялпи даромад	Минг сўм	2555,26	1693,16	2819,55	110,3
Бир гектар ерга сафланган харажат	Минг сўм	1788,68	1015,89	1691,73	94,6
Бир гектар ердан олинган фойда	Минг сўм	766,58	677,26	1127,82	147,1
Рентабеллик	%	42,86	66,67	66,67	155,6
Пахтачиликда меҳнат сарфи	Киши/кун	7233,30	18000	19200	265,4
Бир бирлик маҳсулот сарфланган меҳнат сарфи	Киши/кун	15,00	15	15	100,0
Бир киши кун ҳисобига етиштирилган ҳосил	Центнер	12,89	9,77	11,49	89,1

Фермер хўжалигининг асосий даромад манбаи пахтачилик бўлиб, пахтачиликнинг ҳар бир гектаридан олинган даромад 2012 йилда 2819,55 минг сўмни ташкил қилиб, 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 10 фоизга ошган. Бир гектар ерга 2012 йилда 1691,1 минг

сўмлик харажат қилиниб, 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 6 фоизга камайган. Бир геткр ердан олинган фойда 1127,8 минг сўмни ташкил қилиб, 2012 йилда 2010 йилга нисбатан 55 фоизга ошган. Бу умумий даромад ва харажатнинг ўсиш даражасига нисбатан паст. Фермер хўжалигида 2012 йилда жами меҳнат сарфи 19200 киши кунни ташкил қилиб, 2010 йилга нисбатан 27 фоизга ошган. Бир киши кун ҳисобига етиштирилган ҳосил 2012 йилда 0.07 центнерни ташкил қилган. Бир центнер маҳсулотни ятиштириш учун кетган меҳнат сарфи 14-15 киши / кунни ташкил этган.

Корхонанинг маълум бир даврдаги пул даромади (тушумлари) жами сотилган маҳсулотлар, хизматлар миқдорини уларнинг ҳақиқий баҳоларига кўпайтириш натижасида аниқланади. Унда ушбу формуладан фойдаланиш мумкин:

$$Pd = Cm \times Mb$$

Бунда: Pd – пул даромади (сўмда);

Cm – сотилган маҳсулотлар, хизматлар миқдори (тонна, цент.);

Mb – сотилган маҳсулотларнинг, қилинган хизматларнинг баҳолари, тарифлари.

Корхонанинг ялпи даромади ёки янгитдан яратилган қиймат суммасини ялпи маҳсулот қийматидан ишлатилган асосий воситаларнинг эскирган қийматини, яъни амортизация суммасини (C) айириш натижасида аниқлаш мумкин. Унинг формуласи қуйидагича:

$$(C + V + m) - C = V + m$$

Бунда: C – асосий воситаларнинг амортизацияси суммаси, сўмда;

V – иш ҳақи фонди, сўмда;

m - кўшимча қиймат, сумда.

Корхонанинг ялпи фойдаси маҳсулот сотиш(хизмат кўрсатиш)дан тушган пул даромадалридан шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларни айириш натижасида аниқланади. Уни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$Yf = Cd - Ct$$

Бунда: Yf – ялпи фойда, сўмда;

Cd – маҳсулот сотишдан, иш, хизмат кўрсатишдан тушган пул, сўмда;

Ct – сотилган маҳсулот учун сарфланган ишлаб чиқариш харажатлари, сўмда.

Корхонанинг соф фойдаси ялпи фойда суммасидан давр харажатлари, кўзда тутилмаган харажатлар, молиявий харажатлар суммасини айириш натижасида аниқланади. Буни ушбу тенглик ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$Cf = Yf - (Dx + Mx + Kx)$$

Бунда: Cf – соф фойда суммаси;

Dx – давр харажатлари, сўмда;

Mx – молиявий харажатлар суммаси, сўмда;

$K_x$  – кўзда тутилмаган тасодифий харажатлар, сўмда.

Корхона ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткич рентабеллик ҳисобланади. Унинг даражасини аниқлаш учун соф фойда суммасини таннарх ёки ишлаб чиқариш харажатлари суммасига тақсимлаб, 100% га кўпайтирилади. Унинг тенглиги қуйидагича:

$$P_d = \frac{C\phi}{C_m} \times 100\%, \text{ Бунда: } P_d - \text{рентабеллик даражаси, фоизда.}$$

Бу кўрсаткич ёрдамида корхона, тармоқ миқёсида алоҳида маҳсулотларни етиштириш учун қилинган ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий самарадорлик даражаси аниқланади. Шу усул ёрдамида 1 сўмлик ишлаб чиқариш харажатлари эвазига олинган соф фойда суммаси аниқланади. Бунинг учун олинган соф фойда суммаси ишлаб чиқариш харажатларига тақсимланиши лозим. Бу кўрсаткичлар даражаси қанчалик юқори бўлса, бу иқтисодий самарадорлик даражаси ҳам юқори, яъни яхши эканлигидан далолат беради.

Корхона фаолиятининг рентабеллик меъёри, умумий иқтисодий самарадорлиги ҳам аниқланиши мумкин. Бунда ишлаб чиқаришда қатнашадиган ерларнинг ҳам, асосий воситаларнинг ҳам қийматлари ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир. Ернинг қиймати эса қишлоқ хўжалик ерлари қийматини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган услубий қўлланма ёрдамида аниқланади. Бунда рентабеллик меъёри ушбу тенглик ёрдамида аниқланиши мумкин:

$$P_n = \frac{C\phi}{A_{и\phi} + (A_{с\phi} \cdot E_k) + E_k} \times 100\%,$$

Бунда:  $P_n$  – рентабеллик меъёри, фоизда;

$A_{и\phi}$  – айланма фондларнинг ўртача йиллик қиймати, сўмда;

### **3 – БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ                      ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ОБЪЕКТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

#### **3.1. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришнинг хориж тажрибалари ва ундан фойдаланишнинг асосий йўналишлари**

Ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ривожланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни ҳар доим ҳам муаммоларсиз ва иқтисодий тебранишларсиз ўтмаган. Хорижий мамлакатлар тарихида тўпланган тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва минтақамиздаги қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда илғор чет эл тажрибасидан фойдаланиш республикада амалга оширилаётган аграр ислохотларнинг устивор йўналишларидан биридир. Шу сабабли, республикада қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришда бу соҳада бир қатор ютуқларга эришган ривожланган ҳамда минтақамиз ҳудудига ва ижтимоий – иқтисодий жиҳатдан ривожланиш хусусиятига яқин бўлган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Россияда фермер (деҳқон) хўжаликларини ривожлантириш ва ташкил этиш шакли Ўзбекистонда фермер хўжаликларини ташкил этиш каби амалга оширилди, яъни босқичма – босқич. Шунингдек, фермер хўжаликларини қуйидаги ҳолларда ташкил этиш белгиланди:

- маҳаллий ҳокимият томонидан берилган ерларда;
- жамоа қишлоқ хўжалиги корхоналарини қайта ташкил этиш натижасида;
- ўзига тегишли ер ва мулк пайларни жамоа хўжалигидан олиб кетиш йўли билан;
- ер майдонларини кенгайтириш ҳисобига томорқа хўжалигини фермер хўжалигига айлантириш йўли билан.

Россия Федерациясида қишлоқ хўжалигида давлат ва жамоа мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни фермер хўжаликларини ва унга хизмат қилувчи инфратузилма объектларини ривожлантиришга туртки бўлди. Ташкил этилган фермер хўжаликларига техник сервис хизмат кўрсатиш мақсадида техник таъмирлаш парклари ташкил этилди.

Россияда ташкил этилган бундай паркларнинг асосий фаолият турларига қуйидагилар киради:

- мавжуд тракторларнинг, шунингдек, унга бириктирилган қисм ва қишлоқ хўжалиги машиналарини капитал ва жорий таъмирлаш;
- УАЗ, ГАЗ, ЗИЛ ва бошқа турдаги автомобилларнинг жорий таъмирлаш ва техник хизмати;

- чорвачилик фермаларга техник хизмат кўрсатиш;
- транспорт хизматлар;
- буғ ва иссиқ сув кўринишида иссиқлик энергияни ишлаб чиқиш ва сотиш;
- Д-606 бульдозер тиркамаларни ва ностандарт жиҳозларни тайёрлаш;
- электр таъминоти, сув таъминоти ва канализация чиқиндиларини чиқариб юбориш;
- кишлок хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг моддий – техника ресурсларга бўлган эҳтиёжларини қондириш.

Республикада фаолият кўрсатаётган МТП ДАЖлар билан таққослайдиган бўлсак, уларда Россиядаги трактор паркларга нисбатан хизмат кўрсатиш турлари чеклангалигини кўришимиз мумкин.

“Оренбург техник таъмирлаш парки” очик акционерлик жамияти (“Оренбург ТТП” ОАЖ) 1994 йил 20 январда РФ Президентининг 1992 йил 1 июлдаги “Давлат корхоналарни, ихтиёрий бирлашмаларни акционерлик жамиятларга айлантириш бўйича ташкилий чоралар тўғрисидаги” қарори асосида ташкил этилган. “Оренбург ТТП” ОАЖ дан ва у хизмат кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги масофа 0,5 дан 60 километргачани ташкил этади.

“Оренбург ТТП” ОАЖ қуйидаги ишлаб чиқариш бўлимларидан иборат:

- механик – таъмирлаш устахонаси;
- чорвачилик фермаларининг механизмларини техник хизмат кўрсатиш станцияси;
- автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияси;
- моддий-техник таъминот бўлими;
- ёрдамчи бўлимлар.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган муқобил МТПларнинг ҳам, МТП ДАЖларнинг ҳам иш фаолияти асосан деҳқончилик тармоғига хизмат қилиш билан чекланади. Ваҳоланки, чорвачилик тармоғини ривожлантириш бевосита унинг ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаштириш, комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштиришга боғлиқдир. Демак, бу борада Россия ТТПларнинг тажрибасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, фермер хўжаликлари механизация ишларини асосан ўз техникалари ёрдамида амалга оширадилар, аммо техникаларни таъмирлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш хусусий сервис хизмат кўрсатиш шахобчалари томонидан амалга оширилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз фермер хўжаликларининг ер майдонлари ҳажм жиҳатдан кичиклигини инобатга оладиган бўлсак, фермер хўжаликлари томонидан техникаларни харид қилиш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди ва умуман майда фермер хўжаликлари бундай иқтисодий салоҳиятга эга эмаслар. Шу сабабли ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб

чиққан ҳолда республикамизда фермер хўжалиklarининг ер майдонларини йириклаштириш лозим ва келажакда машина–трактор парклар ўрнини техник сервис шаҳобчалари эгаллаши лозим.

Хорижий мамлакатларда қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси хизматлари юксак даражада ривожланган ҳисобланади. Ушбу мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳалари асосан хусусий сектор зиммасига тўғри келади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг бир бўғини ҳисобланган биргина техникавий сервис хизматини олиб қарайдиган бўлсак, ушбу соҳада фаолият кўрсатиб келётганларнинг 90%и хусусий диллерлар зиммасига тўғри келмоқда. Қолган 10% и эса машинасозлик заводларнинг бевосита вакили ҳисобланади.

Дилерлар орқали амалга ошириладиган техникавий сервис хизмати ўз ичига сотув олди сервис хизматлари, техникаларни сотиш, ижарага бериш, зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, сотувдан кейинги сервис, техник хизмат ва таъмирлаш–тузатиш ишлари, техникаларни ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича маслаҳатлар бериш, муҳандис ходимларни тайёрлаш ва малакасини оширишни олади. Ҳар бир дилерлик пунктида эҳтиёт қисмлар омбори, таъмирлаш устахонаси, техникаларни сақлаш майдонлари, кўчма техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш устахонаси бор.<sup>4</sup>

Чет эл фирмалари уч хил турдаги техник хизмат кўрсатишади: сотув олди, кафолатли ва кафолатдан кейинги хизмат.

Ишлаб чиқарувчи фирмалар сотишдан олдин, харидорга максимал даражада яқин жойда жойлашган бош агент устахоналарида машиналарни махсус тайёргарликдан ўтказишади.

Сотуволди сервис ўз ичига: техникаларни ташиш, қадоқидан ечиб олиш ва ишга тушириш, ташиш вақтида содир бўлган носозликларни бартараф этиш; завод регулировкасини текшириш, зарур бўлган вақтда уни созлаш; харидор талабларидан келиб чиққан ҳолда, кўшимча ускуналар ўрнатиш. Заводдаги носозликларни ишлаб чиқарувчи ҳисобига бартараф этилади, ташиш вақтида содир бўлган носозликларни–суғурта ҳисобига, кўшимча ускуна ўрнатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар эса сотув нархининг калькуляциясига киради.

Сотуволди ва кафолатли хизмат турлари бепул бажарилади, чунки унинг харажатлари янги техника қиймати таркибига киради. Кафолатли хизмат вақтида дилер машиналарнинг асосий узелларнинг диагностикасини ўтказган ҳолда учта техник хизматни бажариши лозим.

Ишлаб чиқарувчи корхоналар дилерларга машиналарни 25–30%га арзонлаштирилган нархда сотади, шу ҳисобига дилерлар 10–15% даромад қилишади.

---

<sup>4</sup>Рашидов Ж.Х. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида сервис хизматларини ривожлантириш муаммолари: Дис. ... иқт.фан.номз.–Т.:БИИТИ, 2004. – 78 б.

Техникага кафолатдан кейинги хизматни маълум вақт давомида, уни ишлаган вақтига қараб ва мавсум олди ўтказишади.

Фермер хўжаликларига сервис хизматларини кўрсатиш Канадада ҳам дилерлар зиммасига тўғри келади. Ушбу мамлакатда 1,5 мингдан ортиқ дилерлик пунктлари мавжуд, бошқалари эса ишлаб чиқарувчи фирмаларга қарашли. Охирги йилларда дилерлик пунктларнинг йириклашув жараёни кузатилмоқда, бу эса уларнинг меҳнат унумдорлигини оширади ва харажатларни камайтиради.

Қозоғистонда бизнинг мамлакатимиздаги каби хизмат кўрсатиш соҳаси энди шаклланиб келмоқда, рақобат муҳитининг ривожланмаганлиги билан характерланади. Шаклланиб келаётган майда шахобчалар, етарли даражада дилерлик вазифасини бажармаяптилар.

Россияда фермерларга сервис хизмати хизмат кўрсатиш кооперативлари томонидан амалга оширилмоқда. Ушбу кооперативлар бажараётган ишларига қараб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш кооперативлари, савдо кооперативлари, ишлаб чиқариш–техник хизмат кооперативлари ва кредит кооперативларига бўлинади.<sup>5</sup>

Умуман олганда, хизмат кўрсатиш кооперативлари, нафақат Россия мамлакатида, балки бир қатор ривожланган мамлакатларда, жумладан, Германия, Польша, Франция, Канада, Норвегия, Дания, Швеция ва бошқа мамлакатларга кенг жорий қилинган.

Республикамизда ҳам фермерлар уюшмаси таркибида хизмат кўрсатиш соҳаларини шакллантириш ва ривожлантириш зарур деб, ҳисоблаймиз.

Чунки, уюшмага фермерларнинг ўзи аъзо бўлиб, уларга яқин бўлган жойда жойлашган бўлади, натижада нархларнинг сунъий ошишига йўл қўйилмайди. Шунингдек, техникаларга сервис хизмат кўрсатишда ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳам жалб қилиш бу соҳада рақобатни кучайтиради. Фермерлар механизация, техника воситаларини таъмирлаш ва сақлаш харажатларини қисқартириш эвазига олинган пул маблағларини ишлаб чиқаришга жалб қилиши ва фойдани кўпайтиришлари мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, кўпгина ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва интенсивлаштириш мақсадида аграр ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва моддий-техникани мустаҳкамлаш борасида мақсадли сиёсатни амалга ошириб келмоқда.

Давлат томонидан қишлоқ хўжалигини самарали бошқаришнинг намунаси сифатида Ирландия мамлакатини кўриб чиқишимиз мумкин.

Ирландияда қишлоқ хўжалигини юқори интенсив характерга эга эканлигини қуйидаги кўрсаткичлар орқали ҳам кўришимиз мумкин, фермерларнинг жами харажатларидан 46% моддий

---

<sup>5</sup> Рашидов Ж. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида сервис хизматларини ривожлантириш муаммолари. Дисс... икт.ф.н. – Т.: ЎзБИИТИ, 2004. – 78 б

ресурсларга (ЁММ, ўғит, уруғ ва бошқалар), техникага кетадиган эксплуатация харажатлари 43% ни, иш ҳақига эса атиги 11% ни ташкил этар экан. Демак, ишлаб чиқаришдаги иқтисодий натижалар деярли унинг моддий – техника таъминотига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Давлат ва Европа Иттифоқи ишлаб чиқариш харажатларининг 20–40% гача ёпиб, фермерларга катта молиявий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ушбу ёрдамнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқаришни яхшилаш, уни механизациялаштириш, прогрессив технологияларни қўллаш;
- хўжалик юритишнинг экологик шароитларини яхшилаш ва экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш;
- наслдор чорва молларни кўпайтириш, чорвачиликда селекция ишларини олиб бориш;
- айрим маҳсулотларни ишлаб чиқариш чекланганлиги сабабли (ортиқча маҳсулотнинг кўпайишини олдини олиш мақсадида) фермерларга компенсация бериш.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра, Европа Иттифоқи томонидан берилаётган субсидияларнинг асосий қисми фермер хўжаликларига техникаларни олиб бериш ва уларни таъмирлаш ҳамда фермер хўжаликларини жиҳозлаш, шунингдек, унумдорлиги паст бўлган ерларда жойлашган, ноқулай иқтисодий шароитларда фаолият кўрсатаётган фермерларга ажратилмоқда.

Бу маълумот ҳам фермерларга берилаётган моддий ёрдамнинг асосий қисми хўжаликларнинг моддий–техника базасини мустаҳкамлашга кетаётганлигидан далолат бермоқда. Бундай ёрдамсиз фермерлар ўз ишлаб чиқаришларини нормал молиялаштира олмасдилар, кўплари эса зарар билан ишлайдиган ва паст рентабелли хўжаликларга айланиб қолардилар.

Давлат субсидиясидан ташқари, Ирландия фермерларига молиявий ёрдамни “Эгрикалчер кредит корпорейшн” аграр тижорат банки кўрсатиб келмоқда. Ушбу банк орқали фермерлар ўзларига қулай бўлган йилига 4%ли узоқ ва қисқа муддатли кредитлар олмоқдалар.

Бундан ташқари Ирландия фермерлари лизинг хизматидан ҳам кенг фойдаланиб келмоқдалар. Умуман олганда, Европа мамлакатлари ичида Ирландияда инвестицияларнинг умумий ҳажмида лизингнинг ҳажми каттадир. Бу ерда барча инвестицияларнинг 45% ни лизинг ташкил этади, ваҳоланки ушбу кўрсаткич Германия ва Францияда 20%, Англияда 30%, Италияда – 15% ва Россияда 2,5%дан камроқни ташкил этади. Европанинг бошқа мамлакатлари ҳам лизингнинг ривожланиши бўйича ҳам Ирландиядан анча ортда қолмоқдалар.

Маълумки, Ўзбекистонда лизингнинг асосан молиявий тури кенг жорий қилинган. Ривожланган мамлакатларда лизингнинг икки тури ҳам кенг тарқалган. Оператив лизинг тури ўз навбатида яна икки турга бўлинади: сервисиз лизинг ва сервис хизматларини ўз ичига олган лизингдир. Оператив лизингнинг иккинчи тури, айниқса, кенг жорий этилган. Бунда ишлаб чиқариш воситаси лизингга берувчи томонидан лизингга олувчига фойдаланиш учун берилади,

аммо мулкнинг барча иқтисодий ва юридик ҳуқуқлари лизинг компаниясида қолади. Натижада компания иқтисодий хавф – хатарни тўлик ўз зиммасига олади. Техник хизмат харажатлари компания томонидан лизингга олувчининг ҳисоб–китоблари асосида амалга оширилади. Лизинг компанияси сервис хизмат кўрсатувчи корхонани танлайди ва у билан хизмат кўрсатиш тарифлари бўйича шартнома тузади.

Шундай қилиб хорижий мамлакатларда лизинг операцияларини амалга ошириш бўйича катта тажриба тўпланган ва бунинг асосида республикада фермерларни қиммат техникани лизинг орқали харид қилишда уларни молиявий қўллаб–қувватлаш бўйича аниқ чора – тадбирлар ишлаб чиқиш мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда ҳам, хорижда ҳам қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг орқали харид қилишнинг самарадорлик мезони, авваломбор, қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ҳамда АСМнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектларининг манфаатдорлиги билан ўлчаниши лозим. Лизинг операцияларини амалга оширувчи молия институтларининг манфаатдорлиги айнан шу мезонга бўйсунуши керак, акс ҳолда лизингнинг асосий мақсади ҳисобланган–хўжалик юритувчи субъектларни янги техника харид қилишга кўмаклашишга зид бўлган бўлар эди. Маълумки, ишлаб чиқариш воситалари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархлари ўртасида вужудга келган кескин номутаносиблик натижасида кўпгина хўжаликларнинг тўлов қобилияти пасайиб кетди.

Тадқиқотлар кўрсатишича, ҳозирги шароитда ишлаб чиқарувчи субъектларнинг тараққий этиши кўп жиҳатдан унинг технологик ривожланиш даражаси, фан–техника тараққиёти суръатларига нечоғлик мувофиқлиги, ўзининг ижтимоий–иқтисодий ривожланишига ишончли илмий асос яратилганлиги билан белгиланади. Шу сабабли кўпгина ривожланган мамлакатларда янги технологияларни жорий этишга кўмаклашиш илмий – тадқиқот ишларини қўллаб–қувватлаш орқали амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2004 йилда АҚШнинг қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалигидаги илмий – тадқиқот ишларига 2,5 миллиард доллар маблағ ажратган<sup>6</sup>. Америка фермерларига ва бошқа аграр тармоқда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларининг ишлаб чиқариш жараёнига фан–техника тараққиёти ютуқларини жорий этишда кўмаклашувчи дастурлардан бири “экстеншн – сервис ” марказининг иш фаолияти диққатга сазовордир. “Экстеншн–сервис” тизимида маҳаллий штат университетининг вакили штатда жойлашган фермерлар, агробизнесмен ва бошқа тадбиркорлик субъектларини янги билимлар ва фан–техника ютуқлари билан таништириб боради. Шу билан бирга уларнинг муаммолари ва камчиликлари тўғрисидаги маълумотларни университетнинг илмий ходимларига ишлаб чиқиш учун етказиб туради. Америка қишлоқ хўжалиги ва агробизнесдаги асосий ютуқлар айнан шу тизим орқали амалга оширилди деб

---

<sup>6</sup> [http://www.usda\\_programs](http://www.usda_programs). Один из важнейших факторов развития сельского хозяйства США – государственное регулирование

ҳисоблашади. Ушбу тизимни молиялаштиришга ажратиладиган маблағнинг фақат 5 фоизи федерал ҳукумат томонидан келиб тушади, асосий қисми штатлардан молиялаштирилади.

Ҳозирги кунда “Экстеншн–сервис” марказлари нафақат АҚШда, балки Польша, Буюк Британия, Франция ва Голландияда ривожланган. Ушбу марказ Россияда ҳам 1990 йиллардан бошлаб тажриба сифатида қўлланилиб келинмоқда.

Ўзбекистонда ҳам илмий ва технологик салоҳиятни янада ривожлантириш учун қулай шарт–шароитлар яратиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалардаги ислохотларнинг стратегик вазифалари ва устивор йўналишларига мувофиқ ҳолда республика илмий – техника тараққиётини таъминлаш, олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмалар даражаси, сифати ва самарадорлигини ошириш, улардан амалиётда кенг фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 февралдаги “Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–3029–сонли Фармонида, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 мартдаги “Илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги 77–сонли Қарорига кўра, республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий–техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгаши қошида Фан ва технологиялар маркази ташкил этилди ҳамда фан ва технологиялар соҳасида давлат бошқарув органи этиб белгиланди. Шунингдек, республикада фермерларга ахборот–маслаҳат хизмати кўрсатиш шахобчалари ташкил этилган. Аммо ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва илм соҳаси ўртасида ўзаро алоқа яхши йўлга қўйилмаган, ташкил этилган ахборот–консалтинг марказлар илмий янгиликларни, ишлаб чиқаришга жорий этилаётган фан–техника ютуқларини фермерларга етказиб беришда воситачи сифатида фаолият юритмаяпти. Натижада ахборот-консалтинг шахобчаларнинг самарадорлиги паст бўлмоқда. Шуларни инобатга олган ҳолда, республикада ўқув жараёни ва ОўЮлардаги илмий – тадқиқот ишлари билан ишлаб чиқаришни боғлайдиган бўғин вазифасини бажарадиган “Экстеншн–сервис” марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Республикада “Экстеншн – сервис” маркази қуйидаги йўналишларда фаолиятини олиб бориши керак деб ҳисоблаймиз:

- фермер ва деҳқон хўжаликларининг ижтимоий ва иқтисодий ҳолатини яхшилашга кўмаклашиш;
- фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ва агрофирмаларнинг талабларини ўрганиб бориш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишга кўмаклашиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ва уни қайта ишлаш бўйича барча саволларга маслаҳатлар бериш;

- ташкил этиш, бошқариш, технологиялар соҳасидаги илғор тажриба ва инновацияларни аграр тармоққа етказиш;
- ишлаб чиқаришда, ишлаб чиқаришни ташкил этиш услубларида ва маҳсулотни сотишда прогрессив технологияларни ўрганиш ва тарғиб этиш;
- фермерларга илмий ва техник ёрдам беришга йўналтирилган халқаро лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашиш;
- илмий тадқиқот натижаларини АСМ тармоқларига жорий этиш;
- мутахассисларнинг малакасини ошириб бориш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг эҳтиёж ва талабларидан келиб чиқиб илмий–амалий жиҳатдан асосланган таълимни ташкил этиш.

### **3.2. Иқтисодий ва модернизациялаш шароитида ҳудудларнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда инфратузилма объектларини оптимал жойлаштириш ва ривожлантириш истиқболлари**

Фермер хўжалиқларининг ихтисослашуви кўп жиҳатдан ҳудуднинг табиий шароитлари, маҳсулотнинг алоҳида турини ишлаб чиқариш анъанаси, қишлоқ хўжалиғи маҳсулотини ишлаб чиқарувчининг ихтисослиғи ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Фермер хўжалиқларини ихтисослаштириши ўз фаолиятини алоҳида бир товар маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўналтирилиши билан белгиланади. Деҳқончиликка ихтисослашган хўжалиқларда – бу дон, пахта, сабзавот, ем-хашак ва бошқа ўсимликчилик маҳсулотлари, чорвачилик тармоғи учун – чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Умуман олганда, ихтисослаштириш деганда, ҳар бир ҳудуднинг табиий–иқтисодий шароитларидан келиб чиқиб, бозордаги талабни эътиборга олган ҳолда у ёки бу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўналтирилган меҳнат тақсимотидир.

Маълумки, фермер хўжалигининг бошлиғи ўз Уставида ва ер участкасини ижарага олиш шартномасига кўра хўжалигининг йўналишувини мустақил равишда ўзи белгилайди. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган “Фермер хўжалиғи тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрир) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476 – сонли қарорига асосан чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиғи камида 30 шартли чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалиғига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молига ҳисобланганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,3 гектарни, бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги суғориладиган ерларда камида 0,45 гектарни, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади.

Деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиқларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектарни, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этади.<sup>7</sup>

Таҳлилларга кўра Қашқадарё вилоятида фермер хўжалиқларининг аксарият қисми асосан пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган, яъни жами фермер хўжалиқларининг 73,5 фоизни, сабзавотчилик ва полизчилик йўналишидагилар 3,3 фоизни, боғдорчилик ва узумчилик – 16,5

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиқлари тўғрисида”ги Қонуни ( Янги таҳрирда ) // Халқ сўзи – 15 октябр 2004 йил

фоизни, чорвачилик соҳасидаги фермер хўжаликлари 2,7 фоизни ва бошқа йўналишдагилар 4,1 фоизни ташкил этади.

Туманлар миқёсиди таҳлил қилганимизда, Китоб ва Шахрисабз туманларида боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари мос равишда 66,1 ва 36,9 фоизни, сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари Шахрисабз туманида ривожланган бўлиб, 246 тани, яъни жами фермер хўжаликлари таркибида 12,5 фоизни ташкил этган, (3.2.1–жадвал).

Косон, Муборак, Нишон ва Чирокчи туманларида ташкил этилган фермер хўжаликларининг 90 фоизидан кўпроғи бевосита пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган, Дехқонобод туманида фаолият кўрсатиб келаётган фермерларнинг 93,8 фоизи ғалла етиштириб келмоқдалар. Демак, инфратузилма шахобчаларини ривожлантиришда ва жойлаштиришда айнан ҳар бир ҳудуднинг ихтисослашуви ҳамда табиий–иқтисодий шарт–шароитларини инобатга олиш зарур.

Пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун СФУ, техник-сервис хизмати, селекция, ўғит, ёқилғи ресурслар билан таъминлаш шахобчаларни ривожлантириб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига асосан зооветеринария хизмати,

Фермер хўжаликлари учун қулай бўлиши, харажатни камайтириш ҳамда

рақобат муҳитини шакллантириб бориш мақсадида ушбу фермерлар уюшмасида қўшимча равишда яна тўртта минерал ўғит ташиш шахобчани ташкил этиш тавсия этилади. Бунда биринчи шахобча мавжуд шахобчадан жануб тарафга 10 км узоклашган бўлиб, 268 тонна омбор сиғимига эга бўлиши, ғарбда мос равишда 3 км, 122 тонна, шарқда мос равишда 6,5 км узокликда 202 тонна ҳамда мавжуд шахобча ўрнида 500 тонна сиғимига эга бўлган шахобчалар жойлаштирилади. Транспорт масаласининг очиқ моделини потенциаллар усули ёрдамида ҳисобларни амалга ошириш натижасида бир йилда ўртача 7044 тонна км масофа орқали минерал ўғитларни фермер хўжаликларига етказиш имконини беради.

текширилганда режа оптимал эмаслиги келиб чиқди. Цикл бўйича сўриш операциясини бажариб янги режа ҳосил қиламиз ва бу режа бўйича юк ташиш масофаси  $Z_2 = 7044$  тонна км масофага тенг бўлади.

Шу орқали минерал ўғит етказиб берувчи шахобчаларнинг оптимал жойлашиш масофаси аниқланади.

Республикада хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бозор талаблари даражасида яхши ривожланмаганлигини эътиборга олиб, хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қулай шарт – шароитлар яратиш, маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ва ялпи ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш тармоғининг улушини ошириш мақсадида Республика Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006 – 2010 йилларда хизмат

кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 17 апрелдаги №325 –сонли ва “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришнинг қўшимча чора– тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 21 майдаги №640–сонли Қарорлари қабул қилинди.

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг яхши ривожланмаганлиги, ўз навбатида, қишлоқ жойлардаги ишсизлик даражасига, қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитига, умуман хизмат кўрсатиш соҳасига бўлган эҳтиёжнинг юқорилигидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг №640 – сонли қарорига асосан аграр соҳада 2010 йилгача хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича чора – тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришдан кўзланган мақсад қуйидагилардан иборат:

– аграр тармоқда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаси учун қулай шарт – шароитлар яратиш;

– ушбу тармоқда банд бўлганлар сонини 20%гача кўпайтириш ва шу орқали аҳолининг даромадларини ошириш;

– бозорни замонавий, сифатли хизмат турлари билан тўлдириш;

– 2010 йилгача аграр соҳада хизматлар кўрсатиш соҳасида унинг улушини 49 фоизгача ошириш.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш беш йўналишларда олиб бориш белгиланган.

Биринчи йўналиш – хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ва ташаббускорликни янада кенгайтириш учун қулай шарт – шароитлар яратиш. Бунда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи соҳа манфаатларини ҳуқуқий ва меъёрий жиҳатдан қўллаб – қувватловчи тизимни янада ривожлантириш, шунингдек, агробизнес вакиллар учун маслаҳат, информация таъминот марказларини ташкил этиш.

Иккинчи йўналиш – хизмат кўрсатиш соҳасида ишловчилар сонини ошириш. Бу йўналиш қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларининг фаолиятини кенгайтириш ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида агробизнес ва тадбиркорликни қўллаб қувватловчи инфратузилма хизматларини ташкил этиш масалаларни қамраб олади.

Учинчи йўналиш – кредитлаш тизимини ривожлантириш ва инвестиция лойиҳаларни жалб этиш учун қулай шарт–шароитларни таъминлаш орқали тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ҳамда анъанавий хизмат турлари билан янги истиқболли хизмат турларини жадал ривожлантиришга йўналтирилган чора – тадбирларини ўз ичига олган, қишлоқ аҳолисиغا хизмат кўрсатувчи хизмат турларини кенгайтириш ва ҳажминини ошириб бориш.

Тўртинчи йўналиш – хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга кўмаклашиш. Бунда асосий эътиборни тадбиркорликни илмий – услубий таъминотини таъминлаш ва агробизнес субъектлари учун мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга қаратилган.

Бешинчи йўналиш - Жаҳон бозорида маҳаллий корхоналарнинг хизмат кўрсатиш сифати ва даражасини ошириш. Бу йўналишда корхонанинг ижобий натижаларини тарғиб этиш, жамиятнинг ижтимоий ривожланишидаги ютуқларини ташвиқот қилиш каби чора – тадбирларини амалга ошириш орқали эришиш назарда тутилган.

“Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришнинг қўшимча чора–тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 21 майдаги № 640 – сонли Қарорига кўра 2007 – 2010 йиллар давомида деҳқон ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма тармоғини ривожлантириш натижасида куйидаги ишларини амалга ошириш белгиланган:

- лизинг асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва машина – трактор паркига 10000 дона қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш;
- 2010 йилгача сувдан фойдаланувчилар уюшмаси сонини 1600тага етказиш ҳамда 10 фоизгача сувни иқтисод қилиш;
- зотдор чорва молларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган хўжаликлар сонини 250тага етказиш, фермер ва деҳқон хўжаликларига ҳар йили 10 минг дона зотли молларни сотиш белгиланган;
- фермер хўжаликларидан минерал ўғит сотиш шахобчаларга бўлган масофани максимал даражада қисқаришини ҳисобга олиб, ушбу тизимнинг дислокациясини таъминлаш;
- тайёрлов шахобчаларни, энг аввало, қайта ишловчи корхоналарнинг қўшимча тармоғини ташкил этиш. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш ва қайта ишлаш ҳажмини ошишига ва нобуд бўлишини қисқаришига олиб келади.

## Хулоса ва таклифлар

Битирув малакавий ишини бажариш жараёнида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси субъектларининг хизмат кўрсатиш турлари бўйича фаолиятининг ҳолати Нишон тумани фермер хўжаликларида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси субъектларининг барча хизмат турлари бўйича – техника воситаларининг етишмаслиги ва эскирганлиги даражаси юқорилиги (63%), зарур бўлган ресурсларни ўз вақтида етказиб берилмаслиги (56%) ва хизмат ҳақи юқорилиги (52%) билан боғлиқ камчиликлар мавжудлиги эътироф этилган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалигида инфратузилма хизматларини яхшилаш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш учун уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш ҳамда малакали мутахассислар билан таъминлашга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

2. Тадқиқотлар кўрсатишича, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда инфратузилма тармоқлари таъсири катта бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнига бевосита таъсир кўрсатадиган омиллардан бири ҳисобланиб, ишлаб чиқариш жараёнини бир меъёрда боришини таъминлаб берса, бозор инфратузилмаси хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида бозор механизмларини ривожлантиради ва иккаласи уйғунлашган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги оширишини таъминлайди.

3. Қишлоқ хўжалиги инфратузилма фаолияти ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш ва улар фаолиятини самарали йўлга қўйиш лозим. Яъни бу борада сувдан фойдаланувчилар уюшмасини ривожлантиришда сувдан хусусий фойдаланувчилар учун сув етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни тартибга солишда ҳуқуқий-иқтисодий асосларини яратиш, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи ва моддий – техник ресурслар етказиб берувчилар ўртасида рақобат муҳитини яратиш тақозо этилади. Шу билан бирга, мавжуд монопол ҳолатни бартараф этиш учун туманларда биржа филиалларини ташкил этиш ва фермерларнинг ушбу биржалар орқали савдо қилишларини йўлга қўйиш лозим.

4. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, фермер хўжаликлари ихтисослашуви ва бир гектарга нисбатан сарфланадиган минерал ўғит меъёрларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, трансакцион харажатлар ва вақтни тежаш мақсадида минерал ўғит сотиш шаҳобчаларини оптимал жойлаштириш талаб этилади.

Диссертация ишида вилоятда қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини барқарор ривожлантиришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини молиялаштиришнинг самарадорлигини аниқлашда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

– қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси ва ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш мақсадида киритиладиган сармояларнинг ўзаро мутаносиб тақсимланганлиги;

– қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси объектларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари;

– инфратузилма объектлари етарли даражада ривожланмаган тақдирда мавжуд ва қутилаётган харажатларнинг манбалари ва миқёсига.

2. Қишлоқ хўжалиги инфратузилма объектларини молиялаштиришда ўзини-ўзи молиялаштириш тизимларини шакллантириш, молиялаштиришнинг мавжуд тизимларини такомиллаштириш ва янги тизимларни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

3. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси субъектлари ва фермер хўжаликлари ўртасидаги ҳуқуқий – иқтисодий муносабатларни қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш лозим:

– қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий – меъёрий ҳужжатларини такомиллаштириш;

– фермер хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектлари ўртасидаги иқтисодий – ҳуқуқий муносабатлар юзасидан келиб чиқадиган муаммоларни адолатли ҳал қилишда, шартнома мажбуриятлари бажарилишида хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини эркинлаштириш;

фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги инфратузилма субъектлари ўртасидаги ҳуқуқий– иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш мақсадида юридик хизмат кўрсатиш тизимидан кенг қўламда фойдаланишни йўлга қўйиш.

**I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари:**

1. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси –Тошкент, Ўзбекистон, 1999. –16 б.
2. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни (Янги тахрирда)// Халқ сўзи. – 15 октябр 2004 йил
3. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида» ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлар. –Тошкент, Ўзбекистон, 1992. -19 б.
4. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида» ги қонуни. // Ўзбекистон овози. 10 январ 1992 йил.
5. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси». // Солиқ тўловчининг журнали, - Тошкент, 1998. № 7-8. –Б. 12.
6. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни. // Солиқ тўловчининг журнали, Тошкент, -1998. -№7-8. –Б. 21-25.
7. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуни. // Халқ сўзи. 6 июн 1998 йил.
8. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси, -Тошкент, Адолат. -1999. –136 б.
9. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. –Тошкент, Адолат. -1999. –21 б.
10. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг Лизинг тўғрисидаги қонуни. // Хўжалик ва ҳуқук. –Тошкент, 1999. -№ 6. – Б. 5.
11. Қонун. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни. // Халқ сўзи. 7 январь 2012 йил.

**II. Президент И.Каримов асарлари, маърузалари ва нутқлари:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истикдол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992. 78 бет.
652. Каримов И.А. Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. Т., «Ўзбекистон», 1992. 62 бет.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатини устувор йўналишлари. Т., «Ўзбекистон», 1993. 56 бет.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон», 1994. 299 бет.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1995. 269 бет.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997. 326 бет.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998. 686 бет.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда: Президент Ислам Каримовнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиядаги маърузаси. 1999 йил 14 апрел. Т., «Ўзбекистон», 1999. 48 бет.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000. 112 бет.
10. Каримов И.А. Ислохотлар стратегияси - мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси. 2003 йил 17 феврал // Халқ сўзи, 2003 йил 18 феврал.
11. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005. -96 б.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2004 йилда иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилишидаги нутқи. “Халқ сўзи” 2004 йил, №28.
13. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўшма мажлисидаги маърузаси. Туркистон газетаси, -Тошкент, 2005. 29 январ № 8. (14817.).
14. И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. -Тошкент: Ўзбекистон, 2009. -41 б.
15. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2009 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2010. 30 январ
16. И.А.Каримов. БМТ саммити мингйиллик ривожланиши мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи, 2010 й. 22 сентябр.
- 18 Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” 2010 йил 13-ноябрь.
19. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш-траққиётимизнинг муҳим омилидир. “Туркистон” 2010 йил 8-декабрь.

20. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. “Туркистон” 2011 йил 22-январ.
21. Каримов А.И. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2011 йилда асосий яқунлари ҳамда 2012 йилда Ўзбекистонни ижтмоий иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2012. 20 январ
22. Каримов И.А. Мустақилликка эришиш оstonасида Т: “Ўзбекистон”, 2011.-440 б.
23. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012-йилда мамлакатимизни ижтмоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси 18.01.2013

### **III. Илмий асарлар ва рисоалар.**

1. Воҳобов А.В. Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши. Т., «Молия», 2002. 330 бет.
2. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики Колл. Авт.: Р. А. Алимов, А. К. Бедринцев, А. Ф. Расулов и др.// Под ред. А.Х. Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001.-352 б.
3. Ҳакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М.С. Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти. – (Ўқув қўлланма) Т., ТДИУ, 2004.-160 б.
4. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Беркинов Б.Б., Ҳакимов Р., Юсупов М.С., Орипов М.А., Ўроқов Н.И. - Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди – (Ўқув қўлланма) –Т.: ТДИУ, 2004. – 176 б.
5. Салимов Б.Т., Ҳамдамов Қ.С., Турсунхўжаев Т.Л., Тўрахўжаев Т.И., Ҳакимов Р.Х., Ўроқов Н.И, Арипов И.М. -Жаҳон қишлоқ хўжалиги. – (Ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.
6. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти – (дарслик). – Т.: ТДИУ, 2004. – 304 б
7. Джумакулов Т.Т., Сафарова З.Г. Использование трудов И.Каримова в преподавании экономической теории и его вклад в ее развитие. Т., «Абу Али ибн Сино». 2002. 231 с.
8. 3. Каримов Р.К., Каримова Т.А. Миллий модел муаммолари. Т., «Ўзбекистон», 1993. 64 бет.
9. Каримова Г. Политико экономические реформм в Узбекистане: реалии и перспективы1. Т., «Ўзбекистон», 1995. 44 с.

10. Комилова Ф. Халқаро туризм бозори. Т.: 2001. 64 бет.
11. Макконелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: Принциплар, проблемалар ва политика. В 2-т. Пер. с англ. 11-го изд. Т.1. М., «Республика», 1992. 399 с.
12. Расулов М. Бозор иқтисоди асослари. Т., «Ўзбекистон», 1997. 383 бет.
13. 8. Тўхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Т., «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси». 1998. 239 бет.
14. 9. Тўхлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. Т., «Ўқитувчи», 2000. 367 с.
15. Узбекистан десять лет по пути формирования рыночной экономики. Т., «Ўзбекистон», 2001. 348 с.
16. Шодмонов Ш., Ганихўжаева Ф. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш. Т., «Ўзбекистон», 1993. 175 бет.
17. 12. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. Т., «Молия», 2002. 415 бет.
18. 13. Фуломов С.С. Ўзбекистон Республикаси: бозор иқтисодиётига ўтиш йўли. Т., «Фан», 1996. 131 бет.
19. 14. Фуломов С.С. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти. Т., «Меҳнат», 1997. 205 бет.
20. Фуломов С, Убайдуллаева Р., Ахмедов Э. Мустақил Ўзбекистон. Т., «Меҳнат», 2001. 246 бет.

#### IV. Интернет сайтлар

1. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник. 2004, <http://textbook.ru/catalogue/book/33320.html>
2. Петранева Г.А., Экономика и управление в сельском хозяйстве, Академия, 2003, <http://rbip.bookchamber.ru/description7897.htm>
3. Н.А. Попов «Основы рыночной агроэкономики и сельского предпринимательства», М: Тандем /ЭКМОС, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.html>
4. Н.А.Попов. Экономика отраслей АПК. Курс лекций, 2002, <http://shopper.h1.ru/books.shtml?topic=935&page=1>
5. Н.Я.Коваленко, Экономика сельского хозяйства, М.: «ЮРКНИГА», 2004, <http://web.book.ru/cgi-bin/book.pl?page=4&book=88899>
6. [www.bearingpoint.uz](http://www.bearingpoint.uz)
7. [www.classis.ru/pages/classis/6/48/](http://www.classis.ru/pages/classis/6/48/)
8. [www.finansy.ru/publ/mark](http://www.finansy.ru/publ/mark) Radio Tashkent International. [http://info.uzpak.uz/uzb/econom\\_uzb/](http://info.uzpak.uz/uzb/econom_uzb/)

9. Recently Published Books. [www.eastview.com](http://www.eastview.com)

10. Мардонова А.Т., Исҳо=ова С.А. Аграр сощада мулкий муносабатларни рўёбга чи=аришнинг долзарб услублари. [www.ski.ilm.uz](http://www.ski.ilm.uz)